БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 79 (3817). | Сешанба, 23 апрель 1968 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Москва, 22 апрель. (ТАСС мухбири). Бугун Кремлдаги съездлар саройида Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 98 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Соат 17. Йиғилганлар мажлис президиумига чиқиб келган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, М. С. Соломенцев ўртоқларни қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар.

Шунингдек президиумдан Ленин партиясининг ветеранлари С. М. Будённий, К. Е. Ворошилов, Ф. Н. Петров, Л.А. Фотиева, А. В. Артюхина ва бошқалар ҳам жой оладилар.

Мажлисни КПСС Москва шаҳар Комитетининг секретари А. М. Калашников очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Москва шаҳар партия Комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин доклад қилди.

(Ўртоқ В. В. Гришин доклади газетамизнинг 2 ва 3-бетларида босилмоқда).

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Йиллар ўтади. Вақт ҳар қанча тез ўтаётган бўлса ҳам, совет кишиларининг қувончи ва порлоқ режалари учун асос яратиб берган инсон тўғрисидаги хотира уларнинг қалбида абадий аланга олаверади. Бу инсоннинг номи Лениндир. Севикли доҳий туғилган кунининг 98 йиллигида Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида Ильичга унинг халқ манфаатлари йўлида қилган ҳамма ишлари учун самимий миннатдорчилик сўзлари, Ленининг улуғ васиятларига садоқат тўғрисидаги тантанали қасамёд сўзлари тобора жаранглаб эшитилмоқда.

Тошкентдаги А. Навоий номли давлат академик опера ва балет театрида 22 апрелда бўлиб ўтган йиғилиш ана шу шонли санага бағишланди. Бу йиғилишда ишлаб чиқариш новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат тошкилотларининг раҳбарлари, Совет Армиясининг жангчилари билан бирга совет кишилари кекса авлодининг вакиллари—Ўзбеклар диёрида Ленин байроғини биринчи бўлиб баланд кўтарган партия ветеранлари ҳам қатнашдилар.

Йиғилиш президиумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Ляшченко, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов, Октябрь революцияси қатнашчилари ўтиришдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар Ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов очди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий Бюросини гоят баланд руҳ билан Фахрий президиумга сайладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов Ильич туғилган кунининг 98 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Докладчи Ленин идеяларининг улуғворлигини батафсил таърифлаб, ҳали яқиндагина ўзининг шонли эллик йиллигини нишонлаган Совет давлатининг ҳамма ютуқлари, кишилик жамияти тараққиётининг бутун бориши шу идеялар нури билан ёритилганлигини таъкидлади. Янги-янги миллионларча кишилар шу нарсага ишонч ҳосил қилмоқдаларки, ленинизм бирдан-бир интернационал таълимот бўлиб, давримизнинг улуғ ҳақиқатини ифодалаб социализм сари мустаҳкам тинчлик ва тараққиёт сари, барча кишиларнинг бахтли ҳаёти сари олиб борадиган йўлни ёритиб турибди.

Мамлакатимиз халқларининг улуғ дўстлигини вужудга келтирган В. И. Ленин Ўрта Осиё меҳнаткашларининг тақдирига жуда катта таъсир кўрсатди. Социализмнинг Шарқдаги чинакам машъали бўлган ва коммунизм қураётган Ўзбекистон экономикаси ва маданиятининг мавж ўриб ўсаётганлиги ленинча доно миллий сиёсат тантана қилганлигини яққол исбот этувчи далилдир.

Бутун мамлакат билан биргаликда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ҳам В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб нишонлашга тайёрланмоқдалар. Улар Ленин вахтасида ишлаб оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар, коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги зафарларга эришиб, севикли Ватанимизнинг қудратини оширмоқдалар. Республикамиз Карл Маркс туғилган кунининг 150 йиллигини кенг нишонламоқда.

Докладчи Ленининг инсоният тараққиёти йўллари тўғрисидаги башорати геннал башорат эканлигини кўп мисоллар билан кўрсатиб беради. У социалистик лагер, халқаро коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатининг кучлари гоят ўсиб бораётганлиги ҳақида гапиради. Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам, деб таъкидлайди докладчи, КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорларини қизғин табриклямоқдалар. Улар партиянинг ленинча ички ва ташқи сиёсатини астойдил қувватлаб, мамлакатимизни комил ишонч билан Ленин йўлидан олиб бораётган партияга ва унинг Марказий Комитетига чексиз садоқатларини янада зўр куч билан намойиш қилмоқдалар.

В. Г. Ломоносов докладининг охирида бундай деди:

Улуғ Ленининг идеялари жаҳоннинг ҳамма қитъаларида ғалаба қилмоқда. Бу идеялар яшамоқда, ҳаракат қилмоқда, тантана қилмоқда!

Марксизм-ленинизм байроғи остида. Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янги ғалабалар сари олға!

Бутун зал бу даъватни гулдурос қарсаклар билан кутиб олади.

Тантанали йиғилишдан кейин катта концерт қўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» заводидан олинган бу икки фотолавҳада ёш конструктор Раъно Шожалилованинг (юқорида) янги изланишлари ва корхонада тайёр агрегатларни қўздан кечириш пайти акс этган. Завод коллективи янги сеялкаларни қатор иттифоқчи республикаларга кўплаб жўнатаётир. В. Салов фотоси.

ИОСИП БРОЗ ТИТО САМАРҚАНДДА

САМАРҚАНД, 22 апрель. (ЎзТАГ). Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган президент Иосип Броз Тито бугун рафиқаси ва ўз ҳамроҳлари билан биргаликда ўзининг 2500 йиллигини яқинда нишонлашга тайёрланаётган Самарқандданинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Югославиялик меҳмонлар ўзбек халқи қадимий маданиятининг бойликларини акс эттирган тарихий архитектура ёдгорликларини томоша қилдилар. Ҳозирги вақтда республикамизнинг йирик саноат ва маданий марказига айланган шаҳарнинг ҳаёти уларнинг эътиборини жалб этди. Меҳмонларга Самарқанддаги янги қурилишлар кўрсатилди.

Регистон майдони олдидаги янги революция ва меҳнат қиёбонида Иосип Броз Тито шаҳарнинг ҳурматли меҳмони сифатида кўчат ўтказди.

ЗАБАРДАСТ ҚАДАМ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИДА ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1968 ЙИЛ I КВАРТАЛИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси маълум қилади: саноат ходимлари беш йиллик плани муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, реализация қилинган маҳсулот ҳажми ва саноат маҳсулотининг энг муҳим кўпчилик турлари юзасидан 1968 йил I квартал планини 3,6 процент ошириб адо этдилар. 1967 йил I кварталидагига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 6.3 процентни ташкил этди.

Электр энергетика саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 1967 йил I кварталидагига нисбатан 1968 йил I кварталида 10,2 процент, ёқилғи саноатида 5,2 процент, шу жумладан газ саноатида 12.5 процент, қора ва рангли металлургияда 10.9 процент, химия ва резина-асбест саноатида 14,7 процент, машинасозлик ва металл ишлаш саноатида 7.3 процент, бинокорлик материаллари саноатида 20.7 процент, енгил саноатда 4.1 процент, озиқ-овқат саноатида 3,5 процент кўпайди.

Марказий статистика бошқармасининг ахборотида яна қуйидагилар таъкидланади: Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги бошқармасидан ташқари, умумиттифоқ министрликлари, иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идораларининг барча корхоналари 1968 йил биринчи квартал планини ошириб бажардилар.

Тошкент шаҳри, республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг саноати реализация қилинган маҳсулот ҳажми ва энг муҳим кўпчилик буюмлар ишлаб чиқариш жиҳатидан белгиланган планни бажариб бўлди.

Кўмир, нефть ва газ қазиб чиқариш, электр энергияси ҳосил қилиш, пўлат, прокат, экскаваторлар, скреперлар, химиявий машина—ускуналар, йиғирув машиналари, тракторлар, трактор прицеплари, трактор культиваторлари, пахта териш машиналари ва кўсак чувиш машиналари, сульфат кислота, азотли ва фосфатли ўғитлар, пахта толаси, каноп толаси, пайпоқлар, гўшт, колбаса маҳсулотлари, консервалар, ўсимлик мойи ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани тўла ва ошириб бажарилди.

1967 йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан 1968 йил I кварталида электр энергия ҳосил қилиш 320 миллион киловатт—соат, газ қазиб чиқариш — 835 миллион куб метр, қора металлар прокати 3,2 минг тонна, минерал ўғитлар — 93,5 минг тонна, тракторлар — 426 дона, трактор прицеплари — 339 дона, пилталаш машиналари — 28 дона, цемент — 61,5 минг тонна, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар — 81,5 минг куб метр, ирмораторбоп гишт — 33,7 миллион дона, деворбоп панеллар — 49,3 минг квадрат метр, пахта толаси— 10,3 минг тонна кўпайди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам ортди: газ плиталари ишлаб чиқариш 4,8 минг дона, мебель ишлаб чиқариш — 438 минг сўмлик, шойи газламалар ишлаб чиқариш — 535 минг квадрат метр, устки трикотаж ишлаб чиқариш — 557 минг дона, чарм пойафзал ишлаб чиқариш — 384 минг жуфт, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 2,5 минг тонна, консервалар ишлаб чиқариш — 3,6 миллион шартли банка кўпайди ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам ортди.

1968 йил I кварталига белгиланган меҳнат унумдорлиги 1967 йил I кварталига белгиланганидан 2,7 процент ошди. Саноатнинг олган фойдаси 12 процентдан зиёд кўпайди.

Барча асосий кўрсатгичлар бўйича умуман план муваффақиятли бажарилгани ҳолда бир қанча корхоналар маҳсулотни реализация қилиш, натурал ифодадаги маҳсулотлар чиқариш ва жамғармалар, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, техника-иқтисодий кўрсаткичлар, шунингдек маҳсулотнинг сифати, янги техникани жорий қилиш юзасидан қўйилган топшириқларни уддалай олмади.

Тиниқ нефть маҳсулотлари, дизеллар, куч трансформаторлари, кабель маҳсулотининг айрим турлари, ровница машиналари, холодильниклар, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар, мебеллар ва бошқа баъзи маҳсулот турлари ишлаб чиқариш плани озгина бажарилмай қолди.

* * *

Биринчи кварталнинг охирига қадар бутун саноат маҳсулотининг салкам 30 процентини ишлаб чиқарувчи 187 саноат корхонаси планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказилди. Рангли металлургия, машинасозлик, ип газлама, шойи газлама, трикотаж, чарм пойафзал ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг қўпгина корхоналари янгича системада ишлаяпти.

Янги шароитда ишлаётган корхоналар маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва фойда олиш жиҳатидан I квартал планини ошириб адо этдилар.

ҚИШЛОҚҚА КЎПЛАБ МАШИНА БЕРАМИЗ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН МАШИНАЛАР ВА УЛАРГА ЗАПАС ҚИСМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги учун машиналар ва уларга запас қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан республика қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари коллективларининг ташаббусини маъқуллади.

Марказий Комитет Тошкент область партия комитети, Чирчиқ ва Тошкент шаҳар партия комитетлари зиммасига қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари 1968 йил учун олган қўшимча социалистик мажбуриятларини бажаришда уларга амалий ёрдам кўрсатиш вазифасини юклади.

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ 1968 ИИЛГА ОЛГАН ҚЎШИМЧА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларининг коллективлари қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари республика қурултойида 1968 йилга қабул қилган мажбуриятларини ўрганиб чиқиб, ўз резервлари ва имкониятларини яна бир бор қайта кўриб чиқдилар ва қўшимча оширилган мажбуриятлар олдилар:

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ БЎЙИЧА

1. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш, янги юқори унумли 14 ХВ — 2,4 маркали тўрт қаторли пахта териш машиналарини кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва 1968 йил охирига қадар 1700 та, шу жумладан пахта терим мавсуми бошланишигача 300 та шу машиналардан тайёрлаб бериш.

2. 1968 йил планига қўшимча равишда 500 минг сўмлик товар маҳсулоти тайёрлаш, шу жумладан пахта териш машиналарига 300 минг сўмлик запас қисмлар тайёрлаш ва реализация қилиш.

«ТАШАВТОМАШ» ЗАВОДИ БЎЙИЧА

1. Йиллик пландагидан ташқари: пахта қоп-қанорсиз ташиладиган 100 та трактор прицепи, 50 та автоприцеп, 14,6 минг сўмлик автомобиль запас қисмлари, шу жумладан 400 та тирсакли вал, 300 та тақсимот валлари чиқариш.

2. Пахтакор республикалар учун трактор ағдарма прицеплари ва уларга запас қисмлар ишлаб чиқариш юзасидан 1968 йил учинчи квартал планини муддатидан илгари — 1968 йил 1 сентябргача бажариш.

3. Ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, завод меҳнаткашларининг меҳнат шароитлари ва уларга санитария-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан бир қанча чораларни амалга ошириш.

ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТОР ИИҒУВ ЗАВОДИ БЎЙИЧА

1. Т-28-Х4 маркали 50 от кучли тракторларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва 1968 йилда 1850 та, шу жумладан 1 сентябргача 380 та трактор тайёрлаб чиқариш.

2. Пахта териш машиналарига запас қисмлар тайёрлаш юзасидан III квартал планини муддатидан илгари, 1 сентябргача бажариш.

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ БЎЙИЧА

1. 25 та пахта подборщиги УПХ — 1,5 Б маркали 18 та қўсак чувиш машиналари тайёрлаш.

2. Белгиланган топшириқдан ташқари қишлоқ хўжалик машиналарига 20 минг сўмлик запас қисмлар ишлаб чиқариш.

«ЧИРЧИКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ БЎЙИЧА

1. Пландан ташқари 400 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва реализация қилиш.

2. Пландан ташқари 25 та культиватор ишлаб чиқариш.

3. 1968 йилнинг биринчи ярмида далаларни текислайдиган ГН-4 маркали осма грейдернинг 6 та тажриба намунасини чиқариш.

4. Культивация мавсумига қадар культиваторларга топширидигидан ташқари 50 минг сўмлик запас қисмлар тайёрлаб бериш.

«ТАШХИМСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ БЎЙИЧА.

1. 15 та ОТН-8—16 маркали чанглагич-пуркагич ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда ишлатиладиган 650 комплект слесарлик асбоблари тайёрлаб бериш.

Биз, республика қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари қишлоқ мҳнаткашларини юқори унумдор техника билан таъминлаш юзасидан коллективларнинз зиммасига юклатилган вазифаларнинг муҳим ва масъулиятли эканлигини англаб, қишлоқ хўжалиги буюртмаларини бажариш учун барча куч-қувватларимизни сарфлаймиз. Ватан олдидаги интернационал бурчимизни бажарамиз ва шу билан беш йилликнинг учинчи йилида пахтадан юқори ҳосил етиштириб, давлатга камида 4 миллион 100 минг тонна пахта топширилишига муносиб ҳисса қўшамиз.

ҚЎШИМЧА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ИИҒИЛИШЛАРИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

А. Н. КОСИГИННИНГ ДЕҲЛИДА БЎЛИШИ

ДЕҲЛИ, 21 апрель. (ТАСС). Расмий визит билан Покистонга борган СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Покистондан Ватанига қайта туриб, Ҳиндистон Бош министри Индира Гандининг таклифига биноан ўйлакай Деҳлида бир оз тўхтаб ўтди.

А. Н. Косигинни, шунингдек у билан бирга келган кишилар — Белоруссия ССР Министрлар Советининг раиси Т. Я. Киселев, Литва ССР Министрлар Советининг раиси И. А. Маню-шис ҳамда бошқа совет меҳмонларини Деҳлининг Палма аэродромида Бош министр Индира Ганди, мудофаа министри Сваранг Сингх ва Ҳиндистоннинг бошқа давлат арбоблари кутиб олишди.

А. Н. Косигин Ҳиндистон президенти Зокир Ҳусайин ҳузурига ташриф буюрди.

Совет ҳукуматининг бошлиғи Индира Ганди билан суҳбатлашди, суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

А. Н. Косигин Деҳлидан кетиш олдидан Ҳиндистон журналистлари билан учрашиб уларнинг бир қанча саволларига жавоб берди. А. Н. Косигин, жумладан шуни айтдики, Ҳиндистон Бош министри билан бўлган суҳбат чоғида халқаро вазият масалалари, Вьетнам масаласи ва Яқин Шарқдаги аҳвол муҳокама қилинди.

Суҳбат чоғида Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга доир масалалар ҳам тилга олинди. А. Н. Косигин бу муносабатлар яхшиланиб бораётганлигини айтди. Ҳар иккала томон, деди у, шу икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни бундан бўён ҳам мустаҳкамлашга интилмоқда.

А. Н. Косигин Ҳиндистон — Покистон муносабатларига тўхталиб. Совет ҳукумати Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларнинг жуда яхши муносабатлар бўлишини истайди, деди. Биз, деди у, бунинг учун ҳамма имкониятлар бор деб ҳисоблаймиз.

А. Н. КОСИГИН МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Покистон Исломия Республикаси Президенти Фельдмаршал Муҳаммад Аюбхоннинг таклифига биноан расмий визит билан Покистонга борган СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 21 апрелда Москвага қайтиб келди.

А. Н. Косигин Ватанига қайтаётиб Ҳиндистон Бош министри Индира Гандихонимнинг таклифига биноан бироз вақт Деҳлида бўлди.

(ТАСС).

ТУҲФА

1-пардозлаш бошқармасининг Е. Лапин бошлиқ бригадаси аъзолари шу кунларда кўпгина маданий-маиший, турар-жой биноларига сайқал беришмоқда.

Бригада аъзолари 31-трест коллективи орасида муносиб обрў қозонишган Яқиндагина Чўпонота массивида 80 хонадонга мўлжалланган уй ва 280 ўринли боғчани пардозлаш ишларини тугаллашди.

Улар КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларига жавобан янада самаралироқ меҳнат қилишяпти. Дўмбробод қўчасида Тошкент медицина институти студентлари учун қурилган ётоқхонада сўнгги пардозлаш ишларини олиб боришмоқда. Сайқалчилар янги объектни муддатидан илгари, 1 Май байрамигача студентларга тухфа қилишмоқчи. А. Аҳмаджонова, Н. Ҳакимов, Н. Андропова каби илғорлар қунлик нормаларини доимо ошириб адо этиб, олдинги сафда боришмоқда.

Ш. ЖАББОРОВ.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1968 йил 20 апрель № 88. Москва шаҳри

1968 ЙИЛДА ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ВА МУДДАТЛИ ХИЗМАТНИ ЎТАЁТГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунига ва СССР Олий Совети Президиумининг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунини жорий қилиш тартиби ҳақидаги 1967 йил 24 октябрь фармонига мувофиқ буюраман:

1. 1949 ва 1950 йилларда туғилган, чақириш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган гражданлар, шунингдек ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш муддати тугаган чақириқ ёшидан катта бўлган гражданлар Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар сафига 1968 йилда ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилсин.

«Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунининг 23-моддасида кўзда тутилганидек, чақириқ май-июнда ва ноябрь-декабрда ўтказилсин.

2. 1964 ва 1965 йилларда ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналарнинг тегишли қисми шунингдек 1966 йилда чақирилган солдатлар ва сержантларнинг бир қисми 1968 йил май-июнда ва ноябрь-декабрда Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, чегара ва ички қўшинлар сафидан запасга бўшатилсин.

3. Қисмлар ва кемаларнинг командирлари, муассасалар ва ўқув юртларининг бошлиқлари 1968 йилда бўшатилиши лозим бўлган солдатлар, матрослар, сержантлар ва старшиналарнинг ҳақиқий ҳарбий хизматда қанча вақт бўлганликларига, шунингдек қисмлар, кемалар, муассасалар ва ўқув юртларини тўлдириш учун келаётган чақирилувчилар сонига қараб ҳарбий хизматчилардан кимлар 1968 йил май-июнда ва ноябрь-декабрда бўшатилиши лозимлигини белгиласинлар.

4. Буйруқ ҳамма роталар, батареялар, эскадрильялар ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР Мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали А. ГРЕЧКО.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1968 йилда 5 май якшанба куни дам олишни 3 май жума кунига ва 12 май якшанба куни дам олишни 10 май жума кунига кўчиришга қарор қилди.

КПСС РАҲБАРЛИГИДА ЛЕНИН ЙЎЛИДАН КОММУНИЗМ САРИ, ОЛҒА!

В. И. Ленин туғилган куннинг 98 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда ўртоқ В. В. ГРИШИН доклади

Ўртоқлар!

Совет халқи, бутун прогрессив инсоният бугун Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, гениал мутафаккир ва улуғ революционер, халқаро ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 98 йиллигини нишонламоқда.

Ленин ўзининг бутун ҳаёти ва жўшқин фаолиятини меҳнаткаш халқнинг бахт-саодати ва манфаатлари учун, уни капитал зулмидан озод қилиш учун, қашшоқлик ва уруш лардан халос қилиш учун, тинчлик ва инсониятнинг порлоқ келажаги учун, социализм ва коммунизм учун фидокорона курашга бағишлади.

Жаҳон тарихидаги улуғ революцион ишлар — мамлакатимизда социалистик революциянинг галабаси ва биринчи социалистик давлатнинг вужудга келиши, жаҳон социалистик системасининг ташкил топиши, коммунистик, ишчилар ҳаракати ва миллий-озодлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйганлиги Ленин номи билан боғлангандир.

В. И. Ленин, унинг ўлмас таълимоти революцион идея ва революцион ҳаракатнинг абадий барҳаёт манбаидир. Жаҳонни социалистик негизда қайта қуриш учун курашаётган миллион-миллион кишилар ҳозирги кунда ҳам Ленининг ғоявий мероси чашмаларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Инсоният тарихида кўпгина социал назариялар бўлган. Аммо бу назарияларнинг бирортаси ҳам жамиятни революцион тарзда ўзгартириш қуроли бўла олмаган эди. Фақат марксизмгина социализмни утопиядан фанга айлантирди, капитализмнинг ҳалокати ва коммунизмнинг галабаси муқаррар эканлигини асослаб берди.

Ленинизм марксизмнинг табиий давоми, марксизм тараққиётининг олий босқичидир. В. И. Ленининг, энг буюк хизмати шундаки, у марксизмни ҳар қандай оппортунистлар ва ревизионистлардан қаттиқ туриб ҳимоя қилибгина қолмай, балки уни янги тарихий даврга — капитализмдан социализмга ўтиш даврига татбиқ этиб ҳар томонлама ривожлантирди.

Владимир Ильич Ленин жаҳон революцион ҳаракатининг тажрибасини умумлаштирди, капитализмнинг нотекис, сакратмали ривожланиш қонунини кашф этди, социализм аввало бир неча мамлакатда, ёки хатто бир мамлакатда ҳам галаба қилиши мумкин, деган хулосани чиқарди. В. И. Ленин социалистик революциянинг қонуниятларини чуқур тадқиқ этди, бу революциянинг ҳаракатга келтирувчи кучларини белгилаб берди, пролетариат диктатураси давлати ва унинг формалари тўғрисидаги марксча таълимотни. Совет давлатининг коммунизм сари олға ҳаракат қилиб бориши тўғрисидаги таълимотни ривожлантирди.

Ленин назарияни практика билан узвий равишда қўшиб олиб боришнинг классик намунасини кўрсатди, янги типдаги партияни — пролетар революцияси ва пролетариат диктатураси партиясини, социализм ва коммунизм қурувчи партияни вужудга келтирди ва чиниқтирди.

Бизнинг мамлакатимиз Ленин партиясининг раҳбарлигида улкан галабаларга эришди, янги тарихий марраларга чиқиб олди ва коммунистик жамият барпо этиш йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда.

СССРда социализмнинг улуғ ғалабалари— ленинизм идеяларининг тантанасидир

Ўртоқлар!

Биз бу йил Ленин кунларини совет халқининг ижодий кучлари ғоят юксалган вазиятда ўтказяпмиз. Бизнинг мамлакатимиз яқинда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини зўр тантана билан нишонлади. Ана шу шонли байрам халқаро миқёсда жуда катта аҳамият касб этган воқеа бўлди. Бу байрам Ватанимизнинг обрўси нақадар юксак эканлигини, унинг жаҳон сиёсатига, инсоният ҳаётидаги прогрессив жараёнларнинг ривожланишига таъсири нақадар кучайганлигини яққол кўрсатиб берди. Бу — социализм қудратли кучларининг, мамлакатимиз халқлари бирлиги ва жипслигининг кўриги, уларнинг Ленин ишига, коммунизм ишига садоқатининг кўриги бўлди. Коммунистлар В. И. Ленин бошқарат қилганидек, кенг меҳнаткашлар оммасига бош бўлиб, Россияни капиталистлар ва помешчиклар қўлидан тортиб олиш билангина чекланмай, уни жаҳоннинг энг қудратли ва равнақ топган давлатларидан бирига, социал тараққиётнинг олдинги сафида бораётган давлатга ҳам айлантирди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг 1967 йил 3 ноябрдаги тантанали мажлисда қилган докладида совет халқининг ярим асрлик кураши ва галабаларининг якунлари чуқур ва ҳар томонлама кўрсатиб берилди. Бу якунлар шу нарсани аниқ кўрсатиб турибдики, Ленин партияси раҳбарлигида бошланган ва амалга оширилган социализм иши бизнинг мамлакатимизда тўла ва узил-кесил тантана қилди. Бизнинг халқимизга иқтисодий ва маданий қолоқликнинг оғир меросини бартараф қилишга, вайронгарчилик ва очлик, гражданг уруши ва интервенция йилларига бардош бериш, фашизмга қарши урушнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олишга тўғри келганлигини эътиборга олганда, босиб ўтилган йўлнинг улуғворлиги, қилинган ўзгаришларнинг улканлиги айниқса аён бўлиб қолади.

Ленин партияси, совет халқи зиммасига оғир, лекин фаҳоли вазифа — социализм сари олиб борадиган йўлни биринчи бўлиб очиб бериш вазифаси юкланган эди. Мамлакатимизнинг ҳар бир қадами изланишдан иборат бўлди, олға қараб қилган ҳар бир ҳаракатимиз ички ва ташқи душманларга қарши қаттиқ кураш жараёнида содир бўлди. Бундай шароитда Ленин партиясининг жасорати ва донишмандлиги, унинг меҳнаткашлар оммасининг тажрибаси ва ижодий ғайратига таяниб, революция тараққиётига боғлиқ бўлган масалаларни белгилаб ва ҳал этиш маҳорати алоҳида куч билан намоён бўлди.

Ленининг мамлакатни индустрлаштириш планини амалга ошириш, — социализм қурилиши соҳасидаги ҳамма ишлар учун биринчи даражали аҳамиятга эга эди. Ленин илғор техника билан таъминланган йирик социалистик саноат бўлмаса, янги жамиятни қуриш мумкин эмас, деб кўрсатди. Партия социалистик тузумнинг афзалликларидан фойдаланиб, кенг меҳнаткашлар оммасини бу вазифани ҳал этишга отлантирди. Бизнинг мамлакатимизда партия ва халқнинг зўр ғайрати билан, тарихан жуда қисқа вақт ичида кўп тармоқли, замонавий индустрия вужудга келтирилди. Совет қонкимияти йилларида саноат ишлаб чиқариши 73 баравар ўсди. Ҳозирги вақтда бизнинг индустриямиз энг мураккаб илмий-техника ва халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишга қодирдир.

Ленин кооператив планининг амалга оширилиши — социализмнинг буюк ютуғи бўлди. Колхоз — кооператив тузуми қишлоқ ҳаётининг бутун укладини, ўн миллионларча деҳқонларнинг меҳнати ва турмушини социалистик негизда қайта қурди. Бу тузум қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш учун кенг имконият очиб берди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини техника билан таъминлашда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларда 1,7 миллион трактор, юз мингларча комбайн ва кўп миқдорда бошқа турдаги замонавий техника бор. Совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти карийб уч баравар ортди.

Партия кенг қўламдаги маданий революцияни амалга оширмаганида, социализм қуришнинг иложи йўқ эди. Бу соҳада қилинган жуда катта ишларнинг миқёсларини шундан билиш мумкинки, Октябрь арафасида Россия аҳолисининг қарийб тўртдан уч қисми саводсиз эди. Эндиликда Совет Иттифоқи ёппасига саводхонлар мамлакатига айланди, ишлаб турган аҳолининг ярмидан кўпроғи ўрта ва олий маълумотлидир. В. И. Ленин бошорат қилганидек, бизнинг мамлакатимиз халқнинг билим даражаси, маданиятнинг ривожланиши, маорифи ишларининг уюштирилиши жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринда турибди.

Бизнинг фанимиз юксак чўққиларга кўтарилди. Совет олимларининг космосни тадқиқ этиш ва ўзлаштиришда, математика, физика, химия, геология ва билимларнинг бошқа соҳаларидаги бир қанча энг муҳим йўналишларни ривожлантиришда эришган муваффақиятларига бутун дунё қойил қолди. Илмий изланиш мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантириш ишига тобора кўпроқ хизмат қилмоқда.

Маданий революция коммунистик ғоявийлик билан бадиий маҳоратни бирга қўшиб олиб бориш асосида адабиёт ва санъатни равнақ топтириш учун қулай шарт-шароит яратиб берди. Совет ёзувчилари, композиторлари, рассомларининг энг яхши асарлари халқимизнинг маънавий бойлигини акс эттирмоқда. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига хизмат қилмоқда, жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо ҳисса қўшмоқда.

Мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революция — СССРда социализм қурилиши юзасидан В. И. Ленин ишлаб чиққан планнинг таркибий қисмларидир. Бу план амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда туб социал-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди, одамнинг одамни эксплуатация қилишнинг ҳамма турлари тарихда биринчи марта тугатилди, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг дўстлиги ҳамда иттифоқига асосланган янги ижтимоий тузум қарор топди, демократиянинг янги типи — оммага, меҳнаткашларга хизмат қиладиган демократия вужудга келтирилди, совет халқининг тарихда мисли кўрилмаган ғоявий-сиёсий бирлиги таркиб топди.

В. И. Ленининг бевосита иштироки билан тузилган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мамлакатимизнинг халкларичи дўст ва бузилмас оилага бирлаштирди. Ленинизм улуғ идеялари совет халқлари қардошларча ҳамкорлигининг тош-метинден мустаҳкам негизидир. Бизнинг партиямиз ўзининг ленинча миллий сиёсати эришган муваффақиятлар билан фахрланади. Бу сиёсат турли юз турли миллат ва элатларга мансуб бўлган кишиларни социализм ва коммунизм қуриш жараёнида ягона монолит жамият қилиб жипслаштирди.

Социализм галабаси меҳнаткашларга эркин меҳнат ва ижод қувончини келтирди, истиқболга ишонч, коллективчилик ва ўртоқлик туйғуларини бағишлади, халқнинг турмуш даражасини ва маданий савиясини доим юксалтирди.

Бизнинг мамлакатимизда социализм вояга етган ҳозирги пайтда бизнинг партиямиз Ленин таълимотига амал қилиб, меҳнаткашларнинг куч-ғайратини коммунистик жамият қурилишига сафарбар қилмоқда. Экономикани ривожлантириш — коммунизм учун кураш нинг асосий омилидир.

Партия социалистик хўжалик юритишнинг ленинча принципларига таяниб, планлаштириш методларини, бошқариш ва рағбатлантириш системасини такомиллаштирмоқда. Бундан мақсад — ишлаб чиқаришни янада тез суръатлар билан ўстириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва шу асосда халқнинг турмуш даражасини тез юксалтиришдан иборат.

Партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари иқтисодий қурилишнинг етилган вазифаларини ленинча, чуқур илмий, реалистик асосда белгилаш намунасидир. Бу қарорларда тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида экономикага раҳбарлик қилишга янгича ёндошиш, хўжалик сиёсатининг асосий принциплари ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқаришни бошқариш, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш янги системасининг амалга оширилиши халқ хўжалигини ривожлантиришга самарали таъсир ўтказди. Беш йиллик дастлабки йилларининг якунлари буни кўрсатиб турибди. Экономикамиз тараққиётининг суръатлари тезлашганлиги, бу якунларнинг энг ажойиб белгисидир.

Дастлабки икки йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тахминан 20 процент кўпайди. Шу йил биринчи квартал топшириқлари муваффақиятли бажарилди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари КПСС XXIII съезднинг беш йиллик план ҳақидаги директиваларида белгиланган ўртача йиллик ўсиш суръатларидан ортиқдир. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланмоқда. Саноат, қурилиш ва транспортда меҳнат унумдорлиги аввалдагидан илдамроқ ўсмоқда, ишлаб чиқариш рентабеллиги ортиб бормоқда.

Кейинги йилларда индустриямизни техника билан қуроллантиришда сифат жиҳатидан жиддий силжишлар рўй бермоқда. Шу беш йилликда қарийб 100 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Бу — урушдан кейинги икки беш йиллик мобайнида ишга туширилган асосий фондлар миқдорига баравар дейиш мумкин. Икки йил ичида энг янги техника билан таъминланган 800 га якин янги йирик саноат корхоналари ишга туширилди. Шу даво ичида электр энергияси ишлаб чиқариш 80 миллиард киловатт-соат кўпайди. Бу — мамлакатимизда 1949 йилда ишлаб чиқарилган электр энергиясидан ортиқдир. Конструкторлар ва саноат ходимлари ўтган йили замонавий машиналар, ускуналар, аппаратларнинг 3 мингдан ортиқ нусхасини ва бир ярим мингга якин ҳар хил приборларни яратдилар. Металлурглар пўлат эритишда 100 миллион тоннали маррадан ўтиб кетдилар, нефтчилар эса бу йил 300 миллион тоннадан ортиқ нефть чиқарадилар. Буларнинг ҳаммаси жаҳонда биринчи социалистик давлат индустриясининг етуклигини ва бу давлатнинг иқтисодий исбот қилади, совет индустриясининг илмий-техника даражасини янада оширишнинг мустаҳкам негизи бўлади.

Бизнинг мамлакатимизда капитал қурилишнинг буюк программаси амалга оширилмоқда. Биз 10 турбинасидан ҳар бирининг қуввати Днепро ГЭС қуввати га деярли баробар бўлган Красноярск ГЭСи каби: йилига 1,7 миллион тонна ўғин ишлаб чиқарадиган Кривой Рог домнаси каби: жаҳонда энг йирик Ўрта Осиё — Марказ газ қувури каби гиганталарни, жуда катта машинасозлик ва нефтни қайта ишлаш заводларини, химия ва тўқимачилик комбинатларини вужудга келтира олдик.

Экономикага раҳбарлик қилишга янгича ёндошиш қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволига ижобий таъсир кўрсатди. Шу беш йилликнинг икки йили мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажми ўтган беш йилликдагига нисбатан 17 процент кўпайди. Бу йил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш плани ошириб бажарилмоқда. Партия қишлоқ хўжалигини механ унумдорлиги, техника билан таъминланиш жиҳатидан социалистик индустрия билан бир қаторга кўйиш йўлини изчил тарзда ўтказиб келмоқда. Кейинги йилларда СССР Марказий Комитети 1965 йил март Пленумининг қарорларини бажариш асосида колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланди. Қишлоқ хўжалиги барча тармоқларининг рентабеллигини ошириш, камқувват хўжаликларнинг колоқлигини бартараф қилиш учун зарур шарт-шароит яратиб берилди.

Маълумки, 1967 йил деҳқонлар учун оғир йил бўлди. Лекин шунга қарамай, колхоз ва совхозлар мўл ҳосил етиштирдилар. Мамлакатимиз 9 миллиард пуд дон олди. Гўшт, сут, жун, тухум ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ҳамда ҳарид қилиш кўпайди.

Қудратли техниканинг, малакали кадрларнинг мавжудлиги эндиликда қишлоқ хўжалигида мелиорациянинг узоқ муддатга мўлжалланган программасини амалга ошириш, ерни яхшилаш, химияни жорий қилиш ва деҳқончилик маданиятини юксалтириш имкониятини беради. Партия қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш, барча экинлардан муттасил юқори ҳосил олиш ва чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтиришни аввало ҳудди шу тадбирлар орқали амалга оширади. Партия шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф қилиш, қишлоқ аҳолиси турмушининг моддий ва маданий даражасини изчиллик билан юксалтириш ҳамда уни шаҳардаги ҳаёт даражаси билан якинлаштиришдан иборат жуда муҳим ижтимоий вазифани сабот-матонат билан ҳал этмоқда.

В. И. Ленин айтган эдики, «социализмнинг олий мақсади жамият барча аъзоларининг фаровонлиги ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлашдан иборат», социализмга ўтиш билангина ижтимоий ишлаб чиқаришни ва маҳсулот тақсимотини кенг ёйиш ва меҳнаткашларнинг манфаатларига бўйсундириш имконияти туғилади.

Ленин васиятларига содиқ бўлган бизнинг партиямиз халқнинг турмуш даражасини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Экономика соҳасида кўлга киритилган муваффақиятлар ана шу муҳим вазифани ҳал этишда олға қараб янги катта қадам қўйиш имконини берди. Кейинги йилларда совет кишиларининг эҳтиёжларини бевосита қондириш лозим бўлган ишлаб чиқариш тармоклари анча тез ривожланди.

Беш йилликнинг икки йили мобайнида меҳнаткашларнинг реал даромадлари аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 12 процентдан зиёд кўпайди. Бу йил КПСС Марказий Комитетининг 1967 йил сентябрь Пленуми қарорларида кўзда тутилганидек, иш кажининг ошириліши, пенсия таъминотининг яхшиланиши, имтиёзларнинг кўпайтирилиши натижасидагина аҳолининг даромадлари олти миллиард сўмдан зиёд ортади. Бу — давлатнинг аввали беш йилда шу мақсадлар учун сарф қилган маблағларига баравар дейиш мумкин.

Уй-жой қурилиши суръатлари жадаллашди. 1966—1967 йилларгагина жами сатҳи 200 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой қурилди. Бу эса неча миллионлаб кишиларнинг уй-жой шароитини яхшилаш имконини берди.

Совет кишиларининг меҳнат қилиш ва дам олиш шароитлари тобора яхшиланмоқда. Мамлакатимиздаги ишчи ва хизматчиларнинг 75 процентидан кўпроғи икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига кўчирилди. Бу тез меҳнаткашларнинг дам олиши ва ўқишини яхшироқ ташкил этиш имконини берди ва айни вақтда меҳнат ҳамда ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш учун керакли имконият доирасини кенгайтирди.

Экономикани ривожлантиришда ва халқ фаровонлигини оширишда эришилган муваффақиятлар ҳаммамизни қувонтирмоқда. Ленин идеялари, партиямизнинг иродаси, совет халкининг қаҳрамонона меҳнати бунда ўз ифодасини топди. Шу билан бирга бу муваффақиятлари мустаҳкамлаш ва кўпайтириш учун, партия белгилаб берган планларни бажариш учун ҳали кўп меҳнат йиғишга тўғри келади. Бу планлар эса кичкина планлар эмас. Ана шу планларни амалга ошириш учун социалистик экономиканинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, халқ хўжалигидаги барча тармокларнинг ишини тагин ҳам яхшилаш талаб этилади.

Масалан, техника тез тараққий этиб бораётган бир шароитда янги техникани яратиш ва ўзлаштириш муддатлари кўпинча кечиктириб юборилаётганлиги, халқ хўжалиги олаётган машина ва ускуналар замонавий техника даражасига баъзан мос эмаслиги каби ҳолларга тоқат қилиб бўлмайди. Капитал қурилишда саноат корхоналари ва маданий-маиший муассасаларни қуриш муддатлари кечиктирилмоқда. Капитал маблағларнинг жуда кўп ишлатилаётганлиги сочиб юборилишига йўл қўйилмоқда, иш сифати паст.

Биз янги корхоналарни тезроқ қуришимиз, янги қувватларни тезроқ ишга туширишимиз лозим. Сарф қилинадиган маблағларнинг берадиган самарасини кўпайтиришимиз, асосий фондларга қўйилган ҳар бир сўмдан мумкин қадар кўпроқ даромад олишимиз керак. Меҳнат унумдорлигини доим ошира бориш, корхоналарни бошқаришни яхшилаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиш лозим.

Қишлоқ хўжалигида катта резервлар мавжуддир. Бу резервларнинг энг муҳимлари ердан яхши фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ҳосилдорликни, чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтириш, колхоз ва совхозларнинг экономикасини янада ривожлантиришдан иборат.

Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ишлаб чиқариш ва меҳнатни яхши ташкил этиш, беш кунлик иш ҳафтасидан энг самарали фойдаланиш лозим. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир коллективнинг, барча совет кишиларининг активлиги ва жавобгарлигини оширишни, меҳнаткашлар ўртасида тарбия ишини кучайтиришни талаб қилади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотни жорий қилиш тугалланаётган ҳозирги пайтда янги шароитларда ишни такомиллаштириш тўғрисида, ишчи ва хизматчиларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, оғли интизомни кучайтириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш, уюшқоқсизлик ва бўшаншликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қаттиқ кураш олиб бориш лозим. «Социализм ижтимоий меҳнатнинг коммунистик йўсинда ташкил этилиши учун биринчи қадам бўлиб, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, — меҳнаткашларнинг эркин ва оғли интизомига асосланади ва борган сари кўпроқ асосланади» (Асарлар, 29-том, 434-бет).

Чуқур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган бир шароитда меҳнатга баҳо беришда моддий ва маънавий омиллардан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Социализм даврида моддий ва маънавий омиллар бир-бирига карама-карши бўлмай, балки бир-бирини тўлдиради. Янги ислоҳотни муваффақиятли суратда амалга ошириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш ана шу омилларнинг моҳирлик билан бирга қўшиб олиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳар бир совет кишисини ижтимоий бурчни сезиш руҳида, юксак ғоявийлик ва умумий иш учун, хўжалик ва маданий қурилиш планларини бажариш учун жавобгарликни сезиш руҳида тарбиялаш зарур. Партия кенг халқ оммасини коммунизм қурилишида, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда актив қатнашишга жалб этиб, меҳнаткаш инсонни сиёсий ва давлат фаолиятининг чўққиларига кўтариш, совет демократиясини изчиллик билан ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда.

Совет кишиси ярим аср мобайнида революцион ўзгаришлар жараёнида ўсди ва ўнгиди. Совет кишиси кўп нарса ўрганди ва кўп нарса ҳосил қилди. Коммунистик эътиқод ва революцион шижоат, юксак маданият ва ахлоқий поклик билимларга иштиёқ ва ижтимоий активлик — буларнинг ҳаммаси илғор совет кишиси сиймосида ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари партия XXIII съезднинг қарорларини амалга ошириш учун зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Совет кишиларининг ўз Ватани бойлигини кўпайтириш тўғрисида сидқидил билан ғамхўрлик қилаётганликлари, уларнинг юксак ватанпарварлиги, омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратининг кучли суратда ривожланиб бораётганлигида, беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун фидокорлик билан қилинаётган меҳнатда намоён бўлмоқда.

Владимир Ильич социализмнинг биринчи бинокори, ҳозирги вақтда барча меҳнаткашларнинг озодлик, тинчлик ва бахт-саодат учун олиб бораётган курашида авангардлик қилаётган халкимизнинг революцион ғайратига ва ижодий кучларига ишонганида ғоят ҳак эди.

Ҳозирги кунда тўла асос билан шуни айтиш мумкин: мамлакатимиз ярим аср мобайнида босиб ўтган йўл — улуғ Ленининг қўйдратли Совет давлатини қуриш тўғрисидаги буюк идеялари тантана қилган йўл бўлди. Совет давлати бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизм сари дадил йўл очиб бермоқда.

Революцион кучлар интернационал бирлигининг ленинча принциплари учун КПССнинг кураши

Ўртоқлар!

Партиямизнинг коммунистик қурилишга раҳбарлик қилишдаги кўп қиррали фаолияти унинг ташқи сиёсат йўли билан чамбарчас боғланган. КПСС ташқи сиёсатининг интернационалистик принципларини, бу сиёсатининг асосий йўналишини В. И. Ленин ишлаб чиққан. КПСС пролетар интернационализмининг ленинча принципларига оғишмай содиқ бўлиб келаётганлигини Советлар мамлакатининг ярим асрлик тарихи кўрсатиб берди. Бу принциплар партиямиз ва Совет давлати ташқи сиёсатининг негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Халқаро пролетариатни, бутун инсониятни озод қилиш ишини бошқа мамлакатларнинг ишчилар синфи ва революцион кучлари олиб олиб, давом эттиражакларига, социализм ва коммунизм бутун жаҳонда галаба қозонишига В. И. Ленин ишонган эди. Йўлбошчининг бу ишончи ҳақ эканлигини турмуш, практика ҳайрон қоларли даражада исботлаб берди.

Марксизм-ленинизмнинг таъсири остида, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ўтказаётган таъсири натижасида жаҳонда тубли ўзгаришлар рўй берди. Эндиликда инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпроғи социализм йўлига тушиб олди. Империализмнинг мустамлакачилик системаси қун паякун бўлди. Унинг вайроналари устида янги мустақил давлатлар вужудга келди. Капиталистик мамлакатларда ишчилар ҳаракати тобора қудратли ва нуфузли омил бўлиб қолмоқда. Мана шу ҳамма ўзгаришларнинг якуни шундан иборатки, эндиликда ижтимоий ривожланишнинг асосий мазмунини ва асосий йўналишини империализм эмас, балки социализм, антиимпериалистик кучлар белгилаб бермоқда.

Пролетар интернационализми принципларини ҳар хил социал шовинистларнинг ва ўта сўл доктринерларнинг ҳамлаларидан изчиллик билан ҳамоя қилиб келган В. И. Ленин ишчилар синфининг ва барча революцион кучларнинг халқаро бирлигига қаратилган стратегия йўлини аниқ белгилаб берди. Мана шу позицияда туриб у жаҳон революцион жараёнининг туб қонуниятларини очиб берди, марксчи-ленинчи партияларни ҳозирги замон шарт-шароитига мос келадиган социалистик революция назарияси билан қуроллантирди.

СССРдаги коммунистик қурилиш практикаси, жаҳон социалистик ҳамдўстлиги практикаси, антиимпериалистик кучларнинг революцион кураш практикаси ҳозирги кундаги Ленин идеяларининг ўзидир. Жаҳонни революцион ўзгартиришнинг эллик йиллик тажрибаси ленинизмнинг интернационалистик принциплари тантана қилганлигини яққол кўрсатувчи далилдир.

Социализм, антиимпериалистик кучлар тарихий ҳужум қилиб бораётганлигини жаҳон воқеаларининг бориши қайта ва қайта таъкидламоқда. Бироқ, шуни ҳисобга олмоқ зарурки, кучларнинг социализм фойдасига бўлган устунлигига қаттиқ синфий кураш билан эришилади ва устунликни мана шундай синфий кураш сақлаб туради. Антиимпериалистик фронтнинг бирор участкасида қилинаётган ҳамла бўшаштирилиши биланоқ, революцион хушёрлик бой бериб қўйилиши биланоқ, реакциянинг қарши ҳужумга ўтиши реал хавф бўлиб қолади.

Империализм ўз позицияларини ташлаб кетишни истамаётганлигини кейинги йилларнинг фактлари яққол исботлаб бермоқда. Империализм гоҳ у жойда, гоҳ бу жойда «кучларни синаб» кўрмоқда, сафларимизнинг «бўшашган» жойларини топиб олишга уринмоқда. Рўпарадан келиб ҳужум қилиш йўли билан, «коммунизмни улоқтириб ташлаш», деб аталган стратегияни амалга ошириш йўли билан социализмга нисбатан устунликни қўлга киритиш умидлари рўёбга чиқмагач, империалистлар ўзларининг мақсадларидан воз кечганлари йўқ, балки кураш методларини ўзгартирдилар, холос. Улар айрим революцион отрядларни занфлантирмоқ учун ҳар қандай воситаларни ишлатишдан қайтаётганлари йўқ. Буни АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси, Исроилнинг араб мамлакатларига қилган ҳужуми, Греciядаги контрреволюцион тўнтариш, Бонндаги реваншчилар рағбатлантирилаётганлиги, Осиё ва Африкада империализм кирдикорлари кучайиб бораётганлиги кўрсатиб турибди.

Жаҳон социализмига қарши идеологик диверсиялар қилиш планларига империализм ҳомийлари социалистик мамлакатларга «кўприк солиш» деб ном бердилар ва империалистик стратегларнинг режаларида мана шундай «кўприк солиш» планларига ҳам катта ўрин берилмоқда. Бу режани амалга оширишда улар ревизионист, миллатчи ва сиёсий гўр унсурларга асосий умид боғламоқдалар. Буржуа пропагандаси мана шу илдаги унсурларни мактаб қўкка кўтармоқда, уларни қаҳрамонлар қилиб кўрсатмоқда. Мана шу шовкин-суронли мақташларнинг ҳаммасидан кузатилган мақсад социализмни «нуратишга» олиб келадиган, уни зимдан бузишга имкон берадиган ва оқибат натижада социалистик мамлакатларда капитализмни қайта тиклашга олиб келадиган фаолиятларни рағбатлантириш эканлигини антикоммунизм идеологлари яшираётганлари йўқ.

Империализмнинг бундан олдинги ҳамма режалари барбод қилинганлиги каби бу режаси ҳам барбод қилинишига шаксшубҳа йўқ. Совет халқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари ўз тақдирларини социализм ва коммунизм билан абадий ва мустаҳкам қилиб боғлаб қўйдилар. Улар ўзларини шу йўлдан бирон кимса тойдиришига асло йўл қўймайдилар.

Социалистик система мамлакатларининг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг жипслигини бўшаштирмоқ учун жаҳон реакцияси жуда кўп куч сарфламоқда. Мао Цзэ-дун группасининг ленинизмга қарши, миллатчи бузғунчилик йўли бу ишда империализмга алоҳида хизмат кўрсатмоқда.

Мана шундай шароитда партиямиз барча революцион кучларнинг бирлигини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашишни, империалистларнинг режаларини тилка-пора қилиб ташлашни ўзининг бурчи, деб билади.

Коммунистик жамият қуриш жаҳон революцион жараёнини ривожлантиришга кўшаётган асосий ҳиссамиздир. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг экономика ва маданият соҳасидаги, халқлар фаровонлигини оширишдаги муваффақиятлари социализмнинг жозибадорлик кучини, коммунистик идеяларнинг кучини кўпайтирмоқда. Шу билан бирга, бу муваффақиятлар бизнинг мудофаа қувватимизни мустаҳкамлашда, империалистик агрессорларни жиловлаш учун керакли моддий воситалар билан бизни таъминлашда, янги жаҳон урушининг олдини олиш учун курашаётган тинчликсевар кучларга маҳкам таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Жаҳон социалистик революцияси ишини олдинга сурмоқ ва ривожлантирмоқ учун бир мамлакатда мумкин бўлган ишларнинг ҳамма-сини қилишга эришиш керак, деб Ленин берган йўл-йўриқни партиямиз мукаддас билиб бажармоқда. Мана шу ленинча интернационалистик йўл партия XXIII съезднинг қарорларида ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида аниқ таърифлаб берилди.

Социалистик мамлакатлар бирлиги ва жипслигини, уларнинг дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жуда муҳим сиёсий вазифа, деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Комитети СССРнинг бошқа социалистик давлатлар билан ҳамкорлигини пролетар интернационализми ва қардошларча ўзаро ёрдамлашиш, тенг ҳуқуқлилик ва суверенитет принциплари асосида ривожлантиришга ҳамиша диққат ва эътибор бериб келмоқда. Қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари ўзларининг бунёдкорлик ишларида тўпланган тажрибадан фойдаланиб, социализм қуришда янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Партиямиз шунга асосланиб иш кўрмоқдаки, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги, ҳар бир қардош мамлакатнинг миллий манфаатларини жаҳон социалистик системасининг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг муштарак манфаатлари билан қўшиб олиб бориш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб қолди

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий қуввати, ҳозирги кунда уларнинг халқаро майдонда биргалашиб куч ва ғайрат сарфлаётганликлари жаҳон воқеаларининг боришига тобора кўпроқ таъсир ўтказаётганлигини тўрмуш кўрсатиб турибди. Буни Варшава Шартномасида катнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитетининг март ойи бошида бўлиб ўтган кенгаши янги куч билан таъкидладди.

Вьетнамдаги Америка агрессияси кенгайиб бораётганлиги натижасида тинчликка туғилган хавф тўғрисида кенгаш қатнашчилари қабул қилган Декларацияни бутун жаҳон жамоатчилиги мамнуннят билан кутиб олди. Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар Америка империализмининг ваҳшиёна ҳаракатларини қатъиян қоралаб, қаҳрамон Вьетнам халки билан ўзларининг қардошларча бирдамликларини яна бир марта изҳор қилдилар. Улар Вьетнам Демократик Республикасига бундан буён ҳам тўла равишда мадад ва бутун зарур ёрдамни бериб туражакларини таъкидладилар.

Интервенциячиларга кейинги вақтларда янги қакшатқич зарбалар берган Вьетнам ватанпарварларининг мардлиги ва шижоатига бутун прогрессив инсоният қойил қолмоқда. Вьетнам халкининг бу шижоати бизнинг давримизда озодлик ва миллий мустақиллик иши енгилмаслигини яна бир марта кўрсатиб турибди.

Маълумки, Сиёсий Маслаҳат Комитетининг мажлисида бошқа бир муҳим проблема, у ҳам бўлса — ядро қуролини тарқатмаслик проблемаси ҳар томонлама муҳокама қилинди. Кенгашда ошкора, ўртоқларча фикрлашиб олинганлиги, шунингдек ядро қуролини тарқатмаслик масаласига доир ол

КПСС РАҲБАРЛИГИДА ЛЕНИН ЙЎЛИДАН КОММУНИЗМ САРИ, ОЛҒА!

(Боши иккинчи бетда)

Совет кишилари Исроил агрессорлари тажовузига учраган араб мамлакатларининг халқларини қатъий қўллаб-қувватламоқдалар. Исроилнинг милитарист доиралари антиимпериалистик режимларни ағдариб ташлашга, янги мустамлакачилик тартибларини ўрнатишга уринаётган халқаро реакцияга малайлик қилишдан иборат шармандали вазифани бажармоқдалар. Араб халқлари жаҳон социализми кучлари билан қардошлик иттифоқини мустаҳкамлаб, ўз мустақилликларини сақлаб қолишга, мустамлакачиларнинг реванш планларини барбод қилишга, социал тараққиёт учун курашда янги муваффақиятларга эришишга қодир эканликларини араб шарқидаги воқеаларнинг бориши кўрсатиб турибди.

Партиямизнинг миллий озодлик курашини қўллаб-қувватлашга, янги мустамлакачиликка қарши, мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашаётган ва ривожланиб бораётган давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга қаратилган йўли халқаро ишчилар синфини, пролетариат ғалаба қозонган мамлакатларни империализм эзиб ётган халқларнинг революцион ҳаракати билан бирлаштириш тўғрисидаги ленинча идеяни ифодаловчи йўлдир.

Ҳозирги вақтда интернационализм тинчлик учун актив ва кескин кураш олиб бориш билан ҳар қачонгидан кўра ҳам чамбарчас боғланган. КПСС революцион кучлар бирлиги учун курашиб, турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшашдан иборат ленинча йўлни изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушаётган бу сиёсат жуда кенг оммани империализмга қарши курашга сафарбар қилишда ғоят катта роль ўйнамоқда.

Европа хавфсизлигини таъминлаш — тинчлик учун курашнинг энг муҳим участкаларидан бири. 1967 йилда Карлова Варидаги конференцияда коммунистлар ишлаб чиққан программани КПСС Европа мамлакатларидаги бошқа коммунистик ва ишчи партиялар билан биргаликда амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Боннинг реваншчилик даъволарига қарши сира ён бермай ўтказиб келаётган йўлимиз халқаро сиёсатдаги соғлом тенденцияларга ёрдам бермоқда. Европада тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Ўртоқлар! Империализмнинг ҳозирги сиёсати, яъни жаҳон озодлик ҳаракатининг турли отрядларини бир-биридан ажратишга ва уларнинг сафини бузишга ҳамда антиимпериалистик фронтнинг айрим участкаларини бир-биридан ажратиб туриб, алоҳида-алоҳида зарбалар беришга қаратилган сиёсати революцион кучлар ҳаракатларининг бирлиги ва бу ҳаракатларни координациялаш проблемасини марказий вазифа қилиб қўймоқда. Бу — катта проблема. Турли революцион отрядлар жуда хилма-хил шароитларда иш олиб бормоқдалар, улар социал кучларнинг состави жиҳатидан ҳам ва бошқа кўпгина конкрет вазифалар жиҳатидан ҳам бир-бирларидан фарқ қиладилар. Шу сабабли, ҳаракатлар бирлиги, бу ҳаракатларни координациялаш формалари егарли равишда пухта бўлиши лозим.

Воқеликни илмий анализ қилишнинг қудратли қуроли бўлган марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланган жаҳон коммунистик ва ишчи партиялари ҳозирги кунда асримизнинг энг тўлқинлантирувчи масалаларига жавоб бера оладилар, жаҳон озодлик ҳаракатининг бошқа отрядлари тўғри йўл топа олишга, курашнинг энг самарали формалари ва усулларини топиб олишига ёрдам бера оладилар. Шу сабабли, инсоният озодлик курашининг авангарди бўлган халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлаш — империализмнинг қарши ҳужумларини муваффақиятли даф қилишнинг ва барча революцион кучлар ҳужумини янада авж олдиришнинг энг асосий, ҳал қилувчи шартидир.

Партиямиз ўзи вужудга келган кундан бошлаб ишчилар синфи революцион кучларининг интернационал бирлиги байроғини баланд кўтариб келмоқда. «Биз, — деган эди В. И. Ленин, — революция жуда муҳим амалий қадам қўйилди. Ҳеч шубҳасиз, янги Кенгаш коммунистик ҳаракатни мустаҳкамлаш, демократия ва социализмнинг барча кучларини жипслаштиришнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми «Халқаро аҳволнинг актуал проблемалари ва КПСС нинг жаҳон коммунистик ҳаракатини жипслаштириш учун кураши тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг халқаро сиёсат соҳасидаги ва жаҳон коммунистик ҳаракатидаги сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини бутунича ва тўла-тўкис маъқуллади. Пленум Будапештдаги Маслаҳат учрашувининг якунларига, Софиядаги Сиёсий Маслаҳат Комитетининг мажлисидаги КПСС делегациясининг фаолиятига юксак баҳо берди, олти социалистик мамлакат партиялари ва ҳукуматлари раҳбар арбобларининг Дрезддаги учрашувининг аҳамиятини алоҳида қайд қилди. Империализмга кескин зарба бериш ва жаҳон урушининг олдини олиш сиёсатини, социализм мамлакатлари ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш, коммунистик ҳаракатни жипслаштириш сиёсатини КПСС бундан буён ҳам ўтказаверади, деб Марказий Комитет Пленуми уқтириб ўтди.

Партиямиз ва халқимиз партия Марказий Комитети Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ташқи сиёсатини, уларнинг социалистик мамлакатларни ва халқаро коммунистик ҳаракатни жипслаштириш йўлидаги чора ва тадбирларини қизғин маъқуллаб, кўллаб-қувватламоқдалар. Совет кишилари Пленум қарорларига меҳнатда янги бунёдкорликлар қилиш билан жавоб бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг бутун ташқи сиёсий фаолияти партиямиз ташқи сиёсатининг ленинча принципларига, барча мамлакат коммунистларининг ленинча қардошлиги идеяларига, пролетар интернационализмининг буюк принципларига оғишмай амал қилиб келаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ленин партияси—совет жамиятининг раҳбар кучидир

Ўртоқлар! Советлар мамлакатининг ярим асрлик шонли йўли марксизм-ленинизм таълимотининг ўзгармас ҳақиқатини, яъни Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли социализм ва коммунизм қуришдаги ҳамма ғалабаларнинг гарови эканлигини яққол таъкидлади.

Ленин таълим бериб айтдики, янги ижтимоий тузум ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки халқ оммасининг муайян мақсадга йўналтирилган, онгли фаолияти натижасида вужудга келтирилади. Бу тузумнинг объектив афзалликлари ҳар қанча катта бўлса ҳам, аммо бу афзалликлар ўз-ўзидан, автомат равишда марксчи-ленинчи партиянинг тўғри сиёсати бўлмай туриб социализм ва коммунизмнинг ғалабасини таъминлай олмас эди. Кураш мақсадларини ва йўлларини тушуниш, ижтимоий ривожланишнинг қонунларини билиш билан қуролланган, ленинча ташкилий принциплар негизига қурилган партиянинг халқ кучларини ҳўжалик ва сиёсий вазифаларни муваффақиятли бажаришга бирлаштира олади, ривожланишнинг асосий йўлларини аниқ белгилаб бера олади, коммунизм қуриш йўлидаги ишларнинг ҳаммасини муайян мақсадни кўзлаб, илмий равишда асослаб ва планли равишда бажариладиган ишга айлантира олади.

Совет мамлакати янги тарихий вазифаларни ҳал қилаётган ҳозирги пайтда Коммунистик партиянинг роли ва аҳамияти тағин ҳам кўпроқ ошиб бормоқда. Бу қонуниятли ҳол жамиятимиз тараққиётининг объектив эҳтиёжларидан келиб чиқаётир. Коммунистик партия халқнинг сиёсий авангардига муносиб равишда социализмнинг афзалликларидан фойдаланишнинг энг самарали йўллари ва методларини белгилаб бермоқда, янги жамият қуришнинг энг зарур проблемаларини кун тартибига қўймоқда ва шу проблемаларни муваффақиятли ҳал қилишни таъминлямоқда, кўп миллионли халқ оммасини ўз байроғи, ўз программаси атрофида бирлаштирмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари ўзларининг ҳамма ишлари ва ниятларини, олга боришдаги ҳар бир ҳаракатларини Ленин партияси билан, унинг КПСС Программасида, XXIII съезд, Марказий Комитет Пленумлари қарорларида ифодаланган бош йўли билан боғламоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг кучи, аввало, шундаки, у давримизнинг ғоявий байроғи, жаҳонни революцион йўл билан ўзгартирувчи қудратли қурол бўлган марксизм-ленинизмга содиқдир. Партия илғор, революцион назарияга таяниб, бу назарияни янги шароитга татбиқан ижодий ривожлантириб, ижтимоий ривожланиш қонунларини тобора чуқур билиб олмоқда, мамлакатнинг иқтисодий, социал ва маънавий ҳаёти соҳасида, шунингдек халқаро майдонда қўлланиладиган реалистик, илмий асосдаги сиёсатни ишлаб чиқмоқда.

КПСС учун шу нарса характерлики, у марксизм-ленинизмга содиқ бўлиб келмоқда, унинг душманларига қарши ҳамиша муросасиз кураш олиб бормоқда, унинг мақсади равшан ва шу мақсадга эришиш йўлларини қатъий равишда билади, халқ тақдири учун, мамлакат тақдири учун ўз зиммасидаги масъулиятни юксак даражада англайди, бутун меҳнаткаш инсоният олдидаги интернационал бурчини чуқур тушунади. В. И. Ленин айтганидек, давримизнинг акл-ҳароки, виждони ва номуси бўлган партиямиз ўз асосчиси, устози ва йўлбошчисининг мана шу юксак баҳосига яраша ҳамиша виждонли иш қилиб келди ва иш қилиб келмоқда.

Коммунистик партиянинг кучи шундаки, у халқ билан, меҳнаткашлар кенг оммаси билан қондош ва асло узилмайдиган бўлиб боғланган. Омманинг доимий мададига, актив иштирокига таяниб партиямиз Россияда ўтган асрнинг кейинги ўн йилларида пайдо бўлган тарқоқ марксист группалар ва тўгаракларидан таркиб топиб, жаҳонда биринчи социалистик давлатга раҳбарлик қилаётган бугун ташкилот бўлишга қадар катта йўлни босиб ўтди. Совет ҳокимиятининг биринчи йилларида В. И. Ленин айтганидек, «биттагина дон» бўлган партиямиз ҳозирги вақтда ўз сафларида 13 миллиондан кўпроқ коммунистни бирлаштирган қудратли кучга айланди. Партиямиз сафларининг ўсиб бораётганлиги унинг халқ оммаси орасидаги юксак обрўйини, омма партиянинг сиёсатига ишонаётганлигини, совет кишилари ўз ҳаётларини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан партия билан боғлашга, ўзларини жамиятни ўзгартириш учун, коммунизм ғалабаси учун революцион курашга бағишлашга интилаётганликларини акс эттирмоқда.

Коммунистик партия мамлакатамиз ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқини, халқлар дўстлигини, совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлигини ҳормай-толмай мустаҳкамламоқда. Партия билан халқнинг бузилмас бирлиги совет тузуми ҳаётий кучининг, улуғ социалистик Ватанимиз равнақининг, коммунизм келажакда тантана қилишининг мустаҳкам негизидир.

Коммунистик партия сафларининг яхлит бирлиги, партия аъзоларининг юксак даражадаги онглилиги, уюшқоқлиги ва интизоми партиямизнинг куч ва қудратидир. Партия демократик централизм принципларига қаттиқ риоя қилиб келганлиги туфайли ўз фаолиятидаги ҳамма муваффақиятларга эришди ва эришмоқда. Бу принципнинг моҳияти шундан иборатки, у демократизмни централизм билан, партиялилар оммасининг ташаббускорлигини қаттиқ интизом билан, коммунистларнинг партия турмушига доир ҳамма проблемаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш ҳуқукини кабул қилинган қарорларни ҳеч сўзсиз бажариш мажбурияти билан узвий равишда чамбарчас қилиб қўшади. Партия шунга асосланиб иш кўрмоқдаки, демократия билан централизм — яхлит ва ажралмас бир бутуннинг икки томони бўлиб, у стихиячиликка, кексиз децентрализация кила беришга, партиянинг ролини сиёсий оқартув ташкилоти даражасига тушириб қўйишга ҳам, шунингдек партия ички демократиясини тўғатишдан, коллектив партиявий раҳбарликка путур етказишдан иборат бўлган бюрократик централизацияга ҳам йўл қўймайди.

Коммунистик қурилишнинг мураккаб сиёсий ва ташкилий вазифалари олдида партиямиз ўз фаолиятининг формалари ва методларини ҳар доим такомиллаштирмоқда, партия ва давлат ишининг турли участкаларига раҳбарлик қилишга юқори малакали, коммунизм ишига берилган кадрларни қўтариб қўймоқда, оммага раҳбарлик қилиш даражаси замон талабларига жавоб берадиган бўлиши учун зарур чораларни кўрмоқда. Партия турмушининг ленинча нормаларига ва партиявий раҳбарлик принципларига қаттиқ риоя қилиш тўғрисида, пастдан тортиб то юқоригача барча партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш ва уларнинг ишларини яхшилаш тўғрисида партия ҳамиша ғамхўрлик қилмоқда, амалий ва принципиал танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдиришга катта аҳамият бермоқда.

Партия ички демократиясини ҳар томонлама такомиллаштириш, коллектив раҳбарлик принципини мустаҳкамлаш, коммунистларнинг ташаббускорлиги ва ўз фаолиятларини кўрсатиб ишлашларини ривожлантириш билан бирга, партия ўз сафларининг интизомини ҳар доим мустаҳкамлаб келмоқда. Партия шунга асосланиб иш кўрмоқдаки, чинакам демократия аксариятнинг иродасини ифодалайди, партия ичида у ёки бу хил масалаларни муҳокама қилиш чоғида фикр эркинлигига йўл қўйиш билан бирга, «биз,— В. И. Ленин таълим бериб айтганидек,— партиянинг кўпчилиги томонидан рад қилинадиган қарашларни актив суратда тарғиб қилувчилар билан қўлга қўл беришиб боришга мажбур эмасмиз». (В. И. Ленин. Асарлар. том 15, 433-бет). Партиянинг бузилмас ғоявий ва ташкилий жипслиги — партия енгилмаслигининг манбаидир, коммунистик қурилишдаги улуғ вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг гаровидир. Буни партия ташкилотларининг ўтган йил охирида бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишлари ва кейинги вақтларда ўз ишини тамомлаган район, шаҳар, область ва ўлка партия конференциялари янги куч билан намойиш қилиб кўрсатди. Партия ташкилотларининг мана шу ҳисобот йиғилишлари ва конференциялари КПСС XXIII съездининг қарорларини амалга ошириш учун курашда эришган муваффақиятларимизнинг жангозар кўриги бўлди, партия демократиясининг чинакам мактаби бўлиб қолди, партиянинг халқ олдида берган ҳисоботи бўлди. Йиғилишларда ва конференцияларда коммунистлар партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий ишларини янада такомиллаштириш йўлларини белгилаб олдилар, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ролини ошириш вазифаларини кўрсатиб бердилар.

Ленин белгилаб берган режаларни амалга ошириш учун, коммунистик қурилиш планларини бажариш учун партия ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг масъулияти ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан кўра ошиб бормоқда. Меҳнаткашларнинг оммавий давлат ва жамоат ташкилотларининг — советлар, касаба союзлари, комсомол, ёшлиларнинг ижодий бирлашмалари ва шу каби ларнинг роли ҳам анча ошиб бормоқда.

Партиямизнинг бутун тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, коммунистларнинг назария билан қуролланиб олганлиги, ғоявий чиниққанлиги ва эътиқодлилиги коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишнинг гарови бўлиб, партия демократиясининг ҳаётий эътиқодини, баҳодирона маънавий кучни зафарли, абадий барҳаёт марксизм-ленинизм таълимотидан олмоқдалар.

В. И. Ленин туғилган кунининг 98 йиллик байрами бошқа машҳур сана билан бир вақтга тўғри келиб қолди: илмий коммунизм асосчиси, геннал мутафаккир, халқаро пролетариатнинг устози ва йўлбошчиси, оташин революционер Карл Маркс туғилган кунга 5 майда 150 йил тўлади.

Карл Маркс туғилганидан бери ўтган бир ярим аср ичида жаҳонда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Ер курраси капитализм чексиз ҳукмронлик қилиб келган тарихий палла асло қайтмас бўлиб ўтмишда қолиб кетди. СССРда социализм тўла-тўкис, узил-кесил ғалаба қилганлиги, жаҳон социализм кучлари вужудга келганлиги ва мустаҳкамланганлиги, империализмнинг мустамлакачилик системаси барбод бўлганлигидан иборат янги давр бошланди.

В. И. Ленининг тўла-тўкис рўёбга чиққан қуйидаги сўзлари ҳозир ҳар қачонгидан кўра ҳам зўр янграмоқда: «Марксизм пайдо бўлгандан сўнг бутун дунё тарихидаги уч улуғ даврнинг ҳар қайсиси ўзи янгидан-янги ибратлар билан таслиқлади ва унга янгидан-янги зафар тантаналари келтирди. Келажак тарихий давр пролетариат таълимоти бўлган марксизмга янада катта зафар тантаналари келтиради (В. И. Ленин, Асарлар тўплами, 18 том, 631-бет).

Маркс ишининг доҳий давомчиси Владимир Ильич Ленин марксизмнинг жонли руҳини, битмас-туганмас ижодий имкониятларини ўзининг назарий ва амалий фаолиятида мужассамлантирди. Ленинизм бизнинг партиямиз учун, бутун совет халқи учун чинакам ғалаба фани бўлиб қолди, коммунистик қурилишнинг етилган проблемаларини ҳал қилишда ишончли компас бўлиб қолди.

Коммунизмга бораётган йўлимизда 1970 йил — Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тарихий босқич бўлади. Барча совет кишилари, бутун прогрессив инсоният мана шу улуғвор санага кўз тикиб турибди.

Мамлакатимиз шаҳарлари ва қишлоқларининг меҳнатчилари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтардилар, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, беш йиллик планни 1970 йил 7 ноябрга қадар муддатидан олдин бажариш учун актив курашмоқдалар. Бу мусобақа КПСС XXIII съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш, мамлакат экономикасининг ривожланиш суръатларини, совет давлатининг қудратини ўстиришни жадаллаштириш учун ғоят катта аҳамиятга эга.

Улуғ Ленининг номи — бутун дунё меҳнаткашларига яқин ва қадрли ном. Социализмнинг қардош мамлакатлари, халқаро ишчилар синфи, миллий озодлик ҳаракати ленинизм байроғи остида ягона интернационал сафда биз билан бирга бормоқдалар. Коммунизм кучи битмас-туганмас бўлиб, турмуш ҳақиқати унинг томонида, коммунизмнинг зафарли байроғи остига янгидан-янги миллионлаб актив курашчилар тўпланмоқда.

Яшасин абадий барҳаёт, ҳамиша голиб революцион таълимот бўлган марксизм-ленинизм!

Яшасин совет халқини коммунизм ғалабаси сари Ленин йўлидан дадил бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

СОВЕТ—ПОКИСТОН АХБОРОТИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 17 апрелдан 21 апрелга қадар расмий визит билан Покистонда бўлди.

Визит тамом бўлганидан кейин эълон қилинган Совет-Покистон қўшма ахборотида айтиладики, совет ҳукуматининг бошлиғи ҳамда унинг ҳамроҳлари — Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси И. А. Манюшис ва бошқа расмий кишилар Покистоннинг энг катта шаҳарларини бориб кўрдилар Покистон халқининг турмуши билан ва Покистон ҳукуматининг мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ҳамда халқ фаровонлигини кучайтириш соҳасида қилаётган ишлари билан танишдилар.

Совет меҳмонлари, дейилади ахборотда, хушнудлик ва самимий меҳмондўстлик билан кутиб олинди. Бу эса, Покистон халқининг Совет Иттифоқи халқига бўлган дўстлик ҳиссларини очиқ кўрсатди.

ПОКИСТОНДАГИ ДЎСТОНА ВИЗИТ

Покистон Президенти билан СССР Министрлар Совети Раиси Совет—Покистон муносабатларига тааллуқли кўпгина масалалар устида, шунингдек бир қанча муҳим халқаро проблемаларга доир суҳбатлар ўтказдилар.

Томонлар Вьетнамда давом этаётган уруш хусусида чуқур ташвишланаётганликларини билдирдилар. Улар шуни айтдиларки, 1954 йилги Женева битимларини бажариш ҳамда Вьетнам халқининг ўз тақдирини четдан ҳеч кимни аралаштирмай ҳал қилиш ҳуқуқини ҳеч сўзсиз тан олиш асосида Вьетнамдаги вазиятни нормаллаштиришга эришиш мумкин. Ялпи тинчлик манфаатлари Вьетнамдаги вазиятни сиёсий бартараф қилиш чораларини кўришни талаб этади.

Томонлар Исроилнинг араб давлатларига қарши агрессияни давом эттираётганлигини қоралядилар.

Сўнгра ахборотда айтиладики, «СССР Министрлар Советининг Раиси Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги баъзи проблемаларни бартараф қилиш учун кўрилган чоралардан ўзининг мамнун бўлганлигини изҳор қилди. У, умид билдириб айтдики, мана шу мамлакатлар ўзларининг низоли масалаларини Тошкент декларацияси руҳида ҳал этажаклар. Бу эса, шу мамлакатлар халқларининг ҳам, ялпи тинчликнинг ҳам ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушажак».

Томонлар Совет—Покистон муносабатларини янада ривожлантирмоқ учун алоқалар қилиб туришнинг катта аҳамияти борлигини эътироф қилиб, жумладан, турли даражадаги вакиллар ва делегацияларни бир-бирларига юбориб туриш йўли билан СССР ва Покистон ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга кўмаклашмоқ керак, деган фикрни айтдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг Покистонга қилган визити ва Покистон Президенти билан қилган суҳбатлари, дейилади ахборотда, Совет Иттифоқи билан Покистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ҳар иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати йўлида, шунингдек ялпи тинчлик ва халқаро ҳамкорлик манфаатларини кўзлаб янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

СССР Олий Совети Президиумининг ва Совет Ҳукуматининг топшириғига биноан СССР Министрлар Советининг Раиси Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхонни расмий визит билан Совет Иттифоқига келишга таклиф қилди.

Таклиф мамнуният билан қабул қилинди. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кибернетика институти Иттифоқимиздаги йирик илмий-текшириш марказларидан бири ҳисобланади. Институт замонавий электрон техника воситалари билан таъминланган. Суратда: математик кибернетика бўлимининг мудири М. Комилов, катта машиналар лабораториясининг мудири А. Аҳмадқулов, ночиқ ва ўрта машиналар лабораториясининг мудири Е. Квашин, ҳисоблаш техникаси бўлимининг мудири И. Пўлатов янги ҳисоблаш машинаси «Минск-22» олдида. Амалий вазифаларни программалаш бўлимининг мудири, физика-математика фанлари кандидати Ф. Абутолиев пультни бошқармоқда.

Н. Ключнев ва С. Майстерман фотоси. (ЎзТАГ).

СОҲИБКОРЛАР ҒАЙРАТИ

БЕКОБОД. 2-«Далварзин» совхозининг Акбар Мақсудов бошлиқ боғдорчилик бригадаси соҳибкорлари бу йил ўз зиммаларига катта мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Улар беш йилликнинг учинчи йилини эл дастурхонига 50 минг килограмм узум, 100 минг килограмм олма, 70 минг килограмм турли хил мева, 100 минг килограммдан ортиқ қовун-тарвуз етказиб бериш билан якунлашга қатъий қарор қилганлар. Шу кунларда бригадага қарашли боғ ва токзорларда, сабзавот майдонларида иш тобора авжига чиқмоқда. Мева дарахтлари ва сабзавот экинлари юқори агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда.

Т. УСМОНОВ.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. Райондаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари хўжаликнинг бошқа тармоқларини йил сайин кенгайтириш билан бир қаторда сердаромад тармоқ бўлган боғдорчиликни кескин ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Биргина шу йилнинг ўзида беш минг тупга яқин ток, олма ва бошқа мевали дарахт кўчатлари ўтказилиб, 15 гектар майдонда янги боғ барпо этилди. Боғбон ва соҳибкорлар ёш ниҳолларни намунали парвариш қилмоқдалар.

Қ. САИДИНОХУНОВ.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ УЧУН

Область «Билим» жамиятининг шаҳар, район, колхоз ва совхозлардаги ташкилотларининг делегатлари бугун ўзларининг IX конференцияларига тўпланадилар. Аввали конференциядан буён икки йил вақт ўтди. Хўш, шу давр мобайнида жамиятимиз фаолиятида қандай ўзгаришлар рўй берди?

Аввало шуни айтиш керакки, областимизда кейинги йилларда лекция-пропаганда ишлари анча жонланди. Фақат ўтган юбилей йилининг ўзида 600 мингдан ортиқ лекция ва суҳбат ўтказилди. Албатта гап ўқилган лекциялар сонида эмас, балки уларнинг тематикаси, таъсирчанлигида.

Лекция пропагандасининг формаси анча яхшиланди. «Ленинча ўқишлар», тематик кечалар, олимларнинг коллектив бўлиб жойларга чиқишлари, мунозаралар, савол-жавоб кечалари тингловчиларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Лекциялар ўқиш услуби ҳам бирмунча ўзгарди. Илгари вақтларда лектор колхоз ёки совхозга бориб белгиланган темадаги лекцияни ўқиб бўлгач, ўз бурчини бажарган деб ҳисобларди. Эндиликда лекторлар колхоз ёки совхозга барвақтроқ бориб, хўжаликнинг аҳволи, колхозчилар, совхоз ишчиларининг ҳаёти билан танишадилар, ўз лекцияларини мазкур хўжалиндан олинган мисоллар билан тўлдирадилар. Лекцияларда шу хўжаликдаги ютуқлар ва камчиликларни анализ қилишга, камчиликларни тугатиш йўлларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинади. Бу форма тингловчиларда қизиқиш уйготишдан ташқари лекцияларнинг қаётийлиги, таъсирчанлигини оширишга ёрдам бермоқда.

Бу ишда бизга пойтахтдаги кўпчилик олий ўқув юртларининг олимлари яқиндан ёрдам беришяпти. Жамиятнинг Тошкент Давлат медицина институтидаги профессор Р. Худойбердиев бошчилик қилаётган бошланғич ташкилоти бу соҳада ибратли иш қилмоқда. Институт олимларидан ташкил топган лекторлар группаси бирор районга ёки колхозга чиқар экан, тематик савол-жавоб кечалари ўтказади, лекция ва суҳбатлар уюштирилади. Сўнгра беморларга медик олимлар консультациялар беришади, маҳаллий даволаш муассасаларига амалий ёрдам кўрсатишади, консилиумлар ўтказишади, хатто операцияларда қатнашишади.

Ўтган йили Тошкент областида Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига бағишлаб биринчи марта «Лекторлар кўни» ўтказилган эди. Бунда областдаги ҳамма районлар, ҳамма шаҳарлар, поселкалар, колхоз ва совхозларга бир вақтлар лекторлар бригадалари юборилади. Улар маҳаллий лекторлар ёрдами билан жойларда лекциялар ва суҳбатлар ўтказишади. Биринчи тажрибамиз яхши натижа берди, тингловчилар бу тадбирдан мамнун бўлишди. Яқинда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги ва илмий коммунизм асосчиси К. Маркс туғилган кунининг 150 йиллиги олдидан яна бир «Лекторлар кўни»ни ташкил этдик.

Ўқилаётган лекцияларнинг ғоявий савияси ва лекторларнинг маҳорати ни ошириш мақсадида «Лекторлар мактаби» ишлаб турибди. Яқинда область комсомол комитети билан биргалликда ёш лекторлар учун малака ошириш курсларини очиш ниятидамиз.

Область экономикасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг аҳамиятини ҳисобга олиб, жамият правленияси ҳузурида қишлоқ хўжалик секцияси тузилган. Бу секцияга қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Василий Тарасович Лев раҳбарлик қилади. Айтиш керакки, бу секция ишга яхши киришди. Ҳозир агротехника билимлари халқ университетлари учун план ва программа ишлаб чиқилмоқда, қишлоқ хўжалик темаларида ўқиладиган лекциялар текстлари тайёрланмоқда, олимларнинг группа бўлиб колхоз ва совхозларга чиқишлари уюштирилмоқда.

Ишимиздаги янги формалардан бири илмий-назарий конференциялар ўтказилаётганлигидир. Бундай конференциялар жамиятнинг корхона, қурилиш, колхоз ва совхозлардаги бошланғич ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Назарий конференцияларнинг темаси ҳ ёки бу хўжалик олдида турган асосий масалаларни ҳал этишга ёрдам берадиган тарзда танланади.

Бир қатор районларда оғзаки журналлар ишлаб турибди. «Жаҳон бир ҳафта ичида» деган оғзаки журнал ҳамда «Думалоқ стол атрофида» каби халқарочи-лекторлар билан учрашувлар шулар жумласидандир.

Жамиятимиз правленияси, унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари юбилейлар, катта саналарга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўради. Бу йил совет халқи, ер юзидаги илғор инсоният халқаро пролетариатнинг буюк доҳийси Карл Маркс туғилган кунининг 150 йиллиги, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллигини кенг нишонлайди. Ҳозир мана шу катта саналарга ҳозирги тайёргарлик кўрилмоқда. Ўқилаётган лекциялар, ўтказилаётган савол-жавоб кечалари, суҳбатларимизнинг кўпчилигида ана шу улуғ мутафаккирлар ҳаёти, фаолияти, ижоди ўз ифодасини топмоқда.

Бу соҳада бизга олимлар, шоирлар, ёзувчилар ва хонанда-созандалар яқиндан ёрдам беришяпти. Бир қатор районларда Алишер Навоийга бағишланган қизиқарли кечалар ўтказилди. Бу кечаларда профессорлардан Л. Қаюмов, Ҳ. Сулаймон, А. Ҳайитметов, филология фанлари кандидатлари Ҳ. Гафуров, С. Ганнева, С. Назрулдаева, шоирлардан Миртемир, Ҳабибий, Собир Абдулла, Насрулло Даврон ва бошқалар актив қатнашдилар. Ўзбекистон радио ва телевиденисининг академик Юнус Ражабий раҳбарлигидаги созандалари ва хонандалари бундай кечаларга файз киритишмоқда. Пойтахт олимлари буюк Навоий ва унинг замонасига бағишланган сайёр назарий конференциялар ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Иқтисодчилар, файласуф ва тарихчилар К. Маркс мероси, унинг ҳаёти ва революцион фаолиятига бағишлаб тематик кечалар ва назарий конференциялар уюштириб туришибди. Пролетариатнинг буюк доҳийси ва устози юбилейи кунларида юзлаб лекциялар ва суҳбатлар ўтказилади.

Яна бир улуғ сана — жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доҳийси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллиги яқинлашмоқда. Ана шу улуғ кунга тайёргарликни лекторларимиз юбилей йилидаёқ бошлаб юборган эдилар. Пойтахт областининг ҳамма районларида, ҳамма колхоз ва совхозларида «Ленин лекторийлари» иш бошлади, «Ленинча ўқишлар» ўтказилди. С. Бурнашев, М. Бақоев, Ф. А. Владимирский каби В. И. Ленинни кўрган революция ветеранлари бу соҳада бизга актив ёрдам бермоқдалар. Улар кечалар, учрашувларда доҳий Ленин ҳақидаги ўз таассуротларини сўзлаб бериш, мақола, Кутубхоналар, маданият уйлари ва клубларда Ильичнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган китоблар бўйича адабий конференциялар ўтказилиб турибди. Бу йил В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейига бағишланган лекция-пропаганда ишларининг кўлами икки баравар кенгаяди. Барча халқ университетлари да Ильич ҳақида лекциялар ўқилади, район марказларида «Ленин кинолекторийлари» очилади, колхозлар ва совхозлар, корхоналар, қурилишларда «Ленинча ўқишлар» ўтказилади.

Делегатлар бугун ўз конференцияларида сўнгги икки йил ичида қилган ишларимизга якун ясайдилар, йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб, лекция пропагандасининг таъсирчанлигини ошириш учун бундан буён қиладиган ишларимиз режасини белгилайдилар. Ҳозир область «Билим» жамиятининг 6200 аъзоси бор. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, зиё тарқатувчиларнинг ана шу катта армияси оммавий ва сифатли билимларни меҳнаткашлар ўртасида кенг ёйишда янада яхши самарали натижаларга эришади.

Э. ЮСУПОВ,
«Билим» жамияти Тошкент область ташкилоти правлениесининг раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Телеянгиликлар,** 18.15 — **Ҳам хушбичим, ҳам чиройли** (репортаж).

Ўзбек тилида: 18.35 — **Ўзбекистон меъмори** (тележурнал), 19.10— **Телеянгиликлар,** 19.25 — **Портлатилган дўзах** (рус тилида бадиий фильм), 21.00 — **Миртемир. Ленин табассуми** (адабий композиция), 21.30 — **Адабиёт ва санъат** (тележурнал).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Ленин номидаги** (ўсмирлар учун), 18.30 — **Ўқув эшиттиришлари программаси. Ўқув фильмтекаси жаворида** (ўқитувчилар учун), 19.00— **Назарий механика** (студентлар учун).

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Беш йиллик ҳақида ҳикоялар** (мактаб ўқувчилари учун), 20.20 **Классик музика саҳифаларидан концерт.**

Рус тилида: 21.00 — **Итальян саҳифаси** (илмий-оммабоп фильм), 21.20 — **Шарқ шоирлари Ленин ҳақида** (адабий эшиттириш), 21.50 — **Қалдиргоч** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 23/IV да **Лайли ва Мажнун,** 24/IV да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IV да **Улимдан кучли,** 24/IV да **Аяжонларим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/IV да **Ўғил уйлантириш,** 24/IV да **Гули снёх.**

КИНО

Анна Каренина (кенг экранли, икки серияли фильм) — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6.15 минутда ва 9 да).

«Авлиё январий» операцияси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1,3 да).

Умид қирғоғи — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Биринчи курьер — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

24 апрель кундуз соат 5 да белгиланган.

«Нефтянник» (Фарғона) — «Политотдел» (Тошкент области). командалари ўртасидаги СССР кубоги учун бўладиган ФУТБОЛ МАТЧИ ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
24 апрелда
УЛУҒ АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 525 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН МАҚОМ КЕЧАСИ

Кечада **Академик Юнус РАЖАБИЙ** раҳбарлигидаги **Ўзбекистон ССР радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитетининг** мақомчилари, СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Ҳалима НОСИРОВА;** Ўзбекистон ССР халқ артистлари — **Коммуна ИСМОИЛОВА, Ғулом АБДУРАҲМОНОВ, Шаҳодат РАҲИМОВА, Муҳаммаджон МИРЗАЕВ, Кундуз МИРКАРИМОВА;** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар — **Ориф АЛИМАХСУМОВ, Карим МУМИНОВ, Вилоят ОҚИЛОВА; Кувондиқ ИСКАНДАРОВ,** солистлар **Комилжон БАРАТОВ, Фахриддин УМАРОВ, Тўхта НАЗАРОВА, Исҳоқ КАТАЕВ, Зоиржон СУЛТОНОВ, Шоиржон ЭРГАШЕВ, Сироҗ АМИНОВ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА** ва **Ўзбек халқ чолғу ансамбли** қатнашадилар.

Программани Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳаббат МУСАЕВА** билан **Назрулла ЁҚУБОВ** олиб борадилар.

Режиссёр Ўзбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Раззоқ ҲАМРОЕВ.**

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида кундуз 12 дан сотилади.

ГРАЖДАН ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

САНЪАТ САРОЙИДА

«АННА КАРЕНИНА»

икки серияли, кенг экранли бадиий фильмига

коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилиш давом этмоқда. Байрам олди кунлари учун олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 10 яримдан кеч соат 6 гача ишлайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 08336.
ИНДЕКС — 64697.
№ Б — 1847.

ФУТБОЛ

БИРИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

Минскдан тошкентлик футбол ишқибозларига нохуш хабар келди. Маҳаллий динамочилар «Пахтакор»ни қабул қилиб, ўзбек футболчиларини мавсумда биринчи мағлубиятга учратдилар. Учрашувнинг биринчи бўлимида гарчи ҳисоб очилмаган бўлса ҳам майдон эгалари ҳимоядан бошқа нарсани ўйнамаган тошкентликлар дарвозаси олдида жуда кўп хавфли вазиятлар вужудга келтирдилар. Танаффусдан сўнг динамочиларнинг ҳужуми яна кучайди. 54-минутда ҳисоб очилди. Дарвозабон Любарцев ва ҳимоячи Штерннинг хатосидан Каберский фойдаланиб, биринчи тўпни киритди. Беш минут ўтмай, ҳимоячиларимиз яна хатога йўл қўйишди. Бу сафар улар динамочиларнинг ҳужумини қўполлик билан қайтариб, 11 метрлик штраф тўпи билан жазоландилар. Ҳисоб — 2:0. Ана шундан кейингина «Пахтакор» ҳужумчилари рақиблар майдонида пайдо бўла бошладилар. Ленин ҳамшаҳарларимизнинг бир-бирини тушунмай ўйнаши натижасида бу ҳужумлар ҳам зое кетаверди.

«Пахтакор» ҳимоя тактикасини қўллаб, ҳужумчилар сонини қисқартирганлиги туфайли муваффақиятсизликка учради.

Шу куни бўлган бошқа учрашувлар натижалари қуйидагича: «Динамо» (Киев) — «Заря» — 1:1; «Локомотив» — «Динамо» (Москва) — 1:0; «Динамо» (Тбилиси) — «Торпедо» (Кутаиси) — 1:0; «Арарат» — СКА — 2:2; «Черноморец» — «Шахтер» — 1:1, «Зенит» — «Қайрат» — 0:0. Бундан аввал «Крилья Советов» Кировобод динамочиларини 2:1 ҳисобида, Москванинг «Торпедо» командаси эса «Нефтчи»ни 1:0 ҳисобида енгган эди.

Шундай қилиб, ҳозир турнирда олтитадан очко тўплаган Москва торпедочилари билан Киев динамочилари олдинда боришмоқда. «Пахтакор» эса якшанба кунги мағлубиятдан сўнг кучли ўнликдан пастга тушиб кетди.

«ПОЛИТОТДЕЛ» ОЛҒА ИНТИЛМОҚДА

«Политотдел» колхози футболчилари иккинчи группа командалари ўртасида пешқадам бўлиб олдилар. Политотделликлар учинчи ўйинни ҳам ғалаба билан якунладилар. Улар Барнаулнинг «Темп» командасини 1:0 ҳисобида енгдилар ва олти имкониятдан олти очко олдилар.

Навоий шаҳрининг «Зарафшон» командаси ҳам биринчи ғалабани қўлга киритди. Навоийликлар Кузбасс футболчиларини 5:2 ҳисобида енгдилар. «Нефтянник» («Фарғона») — СКА (Чита) ўйини 1:1 ҳисобида тугади.

БЕРНОРА Бобожонова талантли гимнастикачилардан. У республика кубоги учун бўлган мусобақаларда кўпкурашда учинчи ўринни олди. Бу ёш гимнастикачи қиз спорт мастери унвонини олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Д. Михайлов фотоси.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ГДР

Германия Демократик Республикасида герман-совет дўстлиги жамиятининг район конференциялари бошланди. Бу жамиятнинг 28 минг бошланғич ташкилотларга бирлашган 3,5 миллион кишидан ортиқ аъзоси бор.

1967 йилдан Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашларидан 8 миллионга яқин киши Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган лекцияларни тинглади, суҳбат ва виставкаларда совет кишилари билан учрашувларда ҳозир бўлди.

Жамият аъзолари ҳар икки мамлакатдаги ишчилар, инженерлар, фан ва маданият арбоблари ўртасида олиб бориладиган иш тажрибаларини айрибошлаш соҳасида самарали иш қилмоқдалар. Республикада герман-совет дўстлиги номига қўйилган 9000 бригада бор. Бу бригадалар совет новаторларининг илғор меҳнат усулларини жорий қилишда ташаббус кўрсатмоқдалар.

Жамият Германия Демократик Республикасининг аҳолисини совет адабиёти, музикаси ва киноси билан таништириш соҳасида кўп иш қилмоқда.

ВЕНГРИЯ

Будапештда Венгрия ватан халқ фронтининг IV съезди тамом бўлди. Съезд республикада социалистик жамиятни батамом қуриш манфаатларини белгилади.

Съезд ватан халқ фронтининг умум Венгрия кенгаши янги составини сайлади. Дьюла Каллаи кенгашнинг раиси, Ференц Эрдей бош секретари қилиб сайланди.

КУБА

Нузвитас шаҳрида (Камагуэй вилояти) қурилаётган 26 июль номли цемент заводининг янги цехи биринчи маҳсулотни ишлаб чиқарди. Цех йиллига 200 минг тонна цемент тайёрлайди. Завод қурилишини келгуси йил июль ойида тамомлаш мўлжалланган. Завод қурилиб бўлгандан кейин ҳар йили мамлакат халқ хўжалигига 600 минг тоннадан цемент бера бошлайди.

ҚИСКА ХАБАРЛАР

● Германия Демократик Республикасида Карл Маркс ва Фридрих Энгельс асарларининг биринчи тўла тўпламини немис тилида тузиб чиқиш тамомланди. Бу тўпламда 1700 га яқин асар ва 4.000 дан кўпроқ хат бўлади. 40 томли ана шу нашрнинг кейинги икки томи илмий коммунизм асосчиси туғилган кунининг 150 йиллиги олдидан босмадан чиқарилган эди. Бу тўплам жаҳондаги қариб 40 мамлакатга юборилади.

● Шимолий Чехияда қурилаётган энергетика базаси Чехословакияда энг йирик база бўлади. Бу базадаги еттита иссиқлик электростанциялари қариб 5,5 миллион киловатт қувватга эга бўлади.

(ТАСС).

СУДАНДА САЙЛОВ

ХАРТУМ. Суданда таъсис мажлисига сайлов бошланди. Традицияга кўра, биринчи куни аёллар овоз берди. Мамлакатдаги 3 миллион сайловчининг тахминан учдан бири аёллардан иборат.

Сайлов дастлаб пойтахтда ва маъмурий марказларда, сўнгра вилоятларда ўтказилади.

(ТАСС).

АМЕРИКА КРЕЙСЕРИ ЁНДИРИБ ЮБОРИЛДИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Америка крейсери 16 апрелда Виньлинь районида Вьетнам Демократик Республикасининг территориал сувларига бостириб кирган эди. Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, Вьетнам халқ армияси қирғоқ артиллериясидан отилган ўқлар тўғри бориб текканлиги натижасида Американинг ҳарбий кемаси ёниб кетган.

ХАЛҚ ПОЛЬШАСИДАГИ энг йирик В. И. Ленин номидаги кемасозлик корхонасида 500-кема сувга туширилди. Бу кема Совет Иттифоқининг буюртмаси билан қурилган «Григорий Полуянов» траулери эди. Суратда: «Григорий Полуянов» траулери Гданьск портида сувга туширилиш бўсағасида. ЦАФ—ТАСС фотоси.

КХЕСАНЬ РАЙОНИДА ЖАНГЛАР

ХАНОЙ. Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучларининг бўлимчалари Америка денгиз пиёда қўшинларининг Кхесандаги қўрғони районида душман қўшинлари позициясига муваффақиятли ҳужумларни давом эттирмоқдалар.

ВИА агентлигининг Озодлик агентлиги маълумотларига асосланиб берган хабарида айтилишича, фақат 17 апрелнинг ўзида шу районда халқ озодлик қуролли кучларининг жангчилари Америка ҳарбий хизматчиларидан 150 дан кўпроқ кишини ўлдирдилар ва жароҳатлантирдилар, бешта вертолётни уриб туширдилар ва шикастлантирдилар. 16 апрелда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 622-тепалик учун жанг қилган вақтларида Америка қўшинларининг солдат ва офицерларидан 160 кишини сафдан чиқардилар.

(ТАСС).

СЬЕРРА ЛЕОНЕДАГИ АҲВОЛ

МОНРОВИЯ. (ТАСС). Фритаун радиоси 19 апрелда Сьерра Леоне революцион ҳаракат янги раҳбарлик органининг биринчи расмий баёнотини яна бир марта эшиттирди. Бу баёнотда жуда қисқа вақт ичида граждан идора усулини яна тиклаш зарур эканлиги таъкидланган.

Баёнотда айтилишича, полковник Жон Бангура мамлакат қуролли кучларининг қўмондони қилиб тайинланган. Сьерра Леонининг Либериядаги элчиси Амброз Гендага мамлакат қуролли кучлари сафига қайтиб келиш таклиф этилган.

У, Сьерра Леоне қуролли кучлари қўмондонининг ўринбосари лавозимини эгалласа керак, деган фикр бор.

ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАН

Менинг бир дугонам Бўка районида яшайди. Яқинда шу дугонамни соғиниб, кўргани бордим. Эртаси у мени кузатгани чиқди.

Қўёш уфққа бош қўйганди, шафақ уфққа жилва берарди. Баҳор! Теварак атроф ям-яшил. Районнинг Ҳамза кўчаси бўйлаб аста одимлардик. Димоғимиз чоғ. Чақ-чақлашиб борардик. Йўлда кетатуриб дугонам кўча юзидаги бир эшик олдида тўхтади-да, ўша томон қараб чуқур хўрсинди.

— Ўртоқжон, — деди у, — оламда шунақа беҳаё одамлар ҳам бўларкан. Мана шу ҳовлида яшовчи Иброҳим Ўрунов тўққиз нафар боласини ташлаб, бир беномус аёл билан қаёққадир ғойиб бўлган.

— Наҳотки? — сесканиб кетдим. Ишонгим келмади.

— Чин сўзим, ўртоқжон!

— Ажабо, бу қандай гап!

Дугонамни қўлида-қўймай, шу хонадонга олиб киришни сўрадим. 58-номерли бу уйга кирдик. Оила аъзолари дастурхон атрофида ўтиришган экан. Фақатгина Иброҳим Ўруновнинг яқинда Совет Армиясида хизматини ўтаб келган тўнғич ўғли Бахтиёр ишдан ҳали қайтмабди.

Биз бир дамда қора ва шаҳло кўзлар — Ўруновнинг фарзандлари қуршовида қолдик. Улар бири-биридан ширин, ёқимтой, мўмин-маъқулки, ҳар бирини бағрингга босиб, бўсалагинг келади, киши! Булар Баҳодир, Тожиевой, Облоёр, Азиза, Абдураҳим, Абдураим, Фарҳод ва Умидлардир. Улар ипга терилган кўзмунчоқдай бир-бирларига ўхшарди.

Уй бурчагида ўтирган қирқ беш ёшлар чамасидаги, қора тўр, истараси иссиқ аёл — Ҳафиза Ўрунова Иброҳим Ўруновнинг умр йўлдоши. Унинг руҳи ниҳоятда тушган, чеҳраси сўлғин, кўзларида ўкинч, ҳафа ўтирарди. Ҳафиза опанинг кўнглига тасалли бердик. У билан уёқ-буёқдан суҳбатлашиб, сўнг юрагига қўл солдик.

— Мен бу бевафо эр билан қариб йигирма беш йил умр кўрдим, — Ҳафиза опа чуқур хўрсинди, — шу давр ичида денг бошимга не-не ишлар келиб кетмади, дейсиз. Турмуш бўлгандан кейин ҳаммасига чидар экансиз. Бу кишининг даргоҳида сув келса шимирдим, тош келса кемирдим. Рўзғорим бут бўлсин, болаларим тўқ бўлсин, деб меҳнат қилдим, унга қарашдим. Фарзандларимни оқ ювиб, оқ тарадим, уларнинг меҳнаткаш, одобли бўлиши учун қайғурдим. Шу билан бирга эримга иззат-ҳурматни ҳамиша бажо келтирдим.

Негадир, бирдан эримнинг хулқатвори ўзгариб қолди. Оиласидан меҳри совий бошлади. Қариганда қалмоққа тушиб денг, аллақаерларда санқиб юрадиган, уйга келмай, қаерлардадир тунаб қоладиган одат чиқарди. Ҳа, ҳар қанча яширманг, қинғир ишнинг қийини чиқаркан. Бўкаликлар ўртасида бундан икки йил бурун Иброҳим ака Салима деган жувон билан юради, деган гап тарқалди. Наҳотки, тўққиз боланинг отаси бўлатуриб, шундай номаъқулчиликни ўзига эп кўрса, наҳотки уялмаса, виждони кўтарса, деб ишонмадим.

Эрим Бўка сельпосида ишларди. У бир куни сельподан икки минг сўм растрат қилганини, агар шу пулни ўз вақтида тўламаса қамалишини айтди. Болаларимнинг отаси, ахир! Бор бисотимни сотиб совуриб бердим. Етмаганини дўстёрларидан олди. Қарзини тўлади. Халқ суди ҳам бола-чақасининг кўплигини инобатга олиб, гуноҳини афв этди. Қамалмади.

Сувдан қуруқ чиқиб олгач, яна эскича айш ишратга берилди. Кўп ўтмай уйдан ғойиб бўлди. Тарқаган миш-мишлар тўғри бўлиб чиқди. Энди билсам, пулни эрим ўша беномус, беҳаё Салимага едирган экан. Мана ҳадемай бир йил бўладики, болаларидан хабар олмайди. Лоақал бир еллик хат ёзиб ёки бирон киши орқали ҳолимизни сўратмади, нонисоф! Билмадим гуноҳим нима экан? Мен ёмон бўлсам, мана бу гўдаклар нима айб қилибди?

Шундай қилиб, келин-куёв кўрадиган пайтимда шу савдолар бошимга тушди. Бундай бўлиши болаларим учун ҳам, мен учун ҳам албатта, яхши эмас. Эл оғзига элак тутиб бўлармиди? Ҳамма ҳар хил ўйлайди. Билган у дейди, билмаган бу...

Ҳафиза опа юрагидан сизиб чиққан аламли аччиқ кўз ёшларини артиб, кенжа ўғли Фарҳодни қучоқлади...

АХЛОҚ МАВЗУИДА

Бўкадан Тошкентга кеч йўлга чиқдим. Автобусда келар эканман, норасида Фарҳоднинг «дадам қачон телалла?» деган саволи қулоғим тагида, гўдакларнинг меҳрибон она кўзига мўлтираб ўтиришлари кўз ўнгимдан кетмасди...

Сўроқлаб, Иброҳим Ўрунов янги «ёр» билан яшаётган Пугачев кўчасидаги 1-уйга бордим. Эшикни қирқ беш ёшлар чамасидаги оқ-сариқдан келган нозиккина бир аёл очди. У мени ҳадиксираброқ уйга таклиф қилди. Уйга кирганимда дафъатан Ўруновнинг дийдорига кўзим тушди. У қалин қилиб тўшалган кўрпача устида ёстиққа суяниб ўтирарди. Афтидан, Ўрунов «ёр» васлидан мамнун кўринарди. У менга бирйўла ўшшайиб қаради-да, кўзғалиб олди. Унинг бу совуқ қарашидан сесканиб кетдим. Салима Қосимова эса нима дейишини билмай, сўррайиб турарди.

Мен ана шу «ошиқ-мошиқ»лар қаршисида бир дақиқа ғазаб билан тек турдим. Ҳатто, улар билан суҳбатлашишга ҳам тилим бормасди. Ниҳоят ўзимни босиб олдим.

— Амаки, қаерда ишлайсиз? — нима дейишимни билмай гапни шундан бошладим.

— Мардикорлик қиламан, — деди у ўқрайиб.

— Болаларингизни сўғинмадингизми? — Унинг ўйноқи кўзларига ғазаб билан қарадим.

— Бораман деган ниятим бор, лекин қўлим тегмаяпти, — лоқайдлик билан жавоб берди у.

— Сиз-чи? — Салимадан сўрадим.

— Қўғирчоқ фабрикасида...

Шу пайт кўз олдимда яна ўша норасидалар ва эрининг бевафолигидан изтироб чекиб, кўз ёши тўкаётган меҳрибон она, вафодор, жафокаш Ҳафиза опа гавдаланди. Одамийликни йўқотган Ўрунов билан Қосимова назаримда хунук бир маҳлуққа ўхшаб кетишди.

Бу хонадонда кўп туролмадим. Улар билан ортиқча гаплашишга тоқат қилолмадим. Қандайдир ғазаб тўлқинлари қалбимда жўш уриб, ич-ичимдан қақшаб титрардим. Ҳа, мени бу ҳолатга олиб келган мана шу бехаёларнинг қилмишлари эди!

Ҳа, Иброҳим Ўрунов мардикорлик қилади. Уни Чорсуда кўкрагини кетмон дастасига тираб, турганида учратишингиз мумкин.

У кишиларнинг уйига ёлланиб бориб ишлаётганида эҳтимол аёлмандлигини айтар, эҳтимол топган-тутганимни Бўкада яшовчи фарзандларимни боқиш учун олиб бораман, дер. Шунда саховатли кишиларнинг раҳми келади, сўрагани-дан ортиқроқ пулини беришади ҳам.

Ҳа, улар тўққиз боланинг ҳурмати учун шундай қилишади. Афсуски, бу одамлар Ўруновнинг ҳақиқий қиёфасини, унинг ўз пушти камаридан бўлган фарзандларини ташлаб, бир сатанг билан дайдиб юришини билишмайди. Агар билишса-чи? Дастурхонни «мурдор қилдинг» деб, ҳайдашади, қувлашади!

Ҳар бир инсон шу ёшга кирганида фарзандларининг орзу-ҳавасини ўйлайди, бахт-саодати тўғрисида қайғуради. Бундай ишларни ҳеч ким ўзига эп кўрмайди. Шунинг учун ҳам Ўруновнинг қилмишларидан инсон фарзанди жирканади, нафратланади!

Иброҳим Ўрунов, ҳали ҳам кеч эмас! Бу мараз йўлдан қайтишингиз керак. Гўдакларингиздан узр сўраб, вафодорингиз олдида бош эгишингиз зарур. Ҳаётда тирноққа зор одамлар бор, улар фарзанд учун жонларини фидо этишга тайёр. Сиз бўлсангиз куёв-келин кўрадиган пайтингизда, ўғил-қизларингиз роҳатидан ҳузур қиладиган вақтингизда, бир беор билан тентираклаб юрибсиз. Танангизга чуқур ўйлаб кўринг, сўнгги пушаймон бефойда!

Салима Қосимова Ўруновнинг фарзандларини, вафодор хотинини билатуриб эр қилишга журъат этган бейбо аёл. Бу ишни ўзига раво кўришга унинг виждони қандай қабул қилди экан? Бу саволга ҳеч бир софдил хотин-қиз жавоб беролмайди. Салима бировнинг бахтига бургутдек чанг солган аёлдир. Афсуски, у ҳам она. Бўйи етган қизи бор. У бундай бехаёликни қизининг кўз олдида қилаётганига ачинасан, киши! Салима, Ҳа сен она деган ҳурматга лойиқ эмассан! Шуни билки, сенинг бу ғуноҳингни ҳеч ким, ҳеч вақт кечирмайди.

Сен бир умр ҳамма хотин-қизларимиз, ҳамма оналаримиз қаҳр-ғазабига маҳкумсан!

Озода СУЛАЙМОНОВА,
Тошкент чет тиллар педагогика институтининг ходими.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.